



Бандалик омонати

Инсон огоҳ бўлсагина, ўзининг келажагига ақл билан теран назар ташлайди, келиши ёки содир бўлиши мумкин бўлган фитна-фасод, хавф-хатарнинг олдини олиш ва бартираф қилиш ҳаракатида бўлади. Аксинча, ғофил, бепарво ва лоқайд кимса атрофида нималар бўлаётганига эътибор бермай, охир-оқибат турли бало ва мусибатларга қолади.

Аллоҳ таоло бундай огоҳлантиради: «Уларда қалблар бор, (лекин) улар билан “англамайдилар”. Уларда кўзлар бор, (лекин) улар билан “кўрмайдилар”. Уларда қулоқлар бор, (лекин) улар билан “эшитмайдилар”. Ана ўшалар ҳайвонлар кабидирлар. Балки, улар (янада) адашганроқдирлар. Айнан ўшалар ғофиллардир» (Аъроф, 179).

Муфассирлар ушбу оятдаги “англамайдилар”, “кўрмайдилар”, “эшитмайдилар” феъллари мажозий маънода айtilган, дейдилар. Яъни, ҳақ гапни эшитсалар-да, тафаккур қилмаганлари, ҳидоят ва тўғри йўлни кўрсалар-да, унга юрмаганлари, панд-насиҳатни тингласалар-да, унга амал қилмаганлар назарда тутилган.

Инсон зиммасига буюк масъулият – Аллоҳ ва Унинг Расулига имон келтириш, ер юзини обод этиш, наслини давом эттириш, жамиятга фойда келтириш, зулм ва разолатни бартираф этиш, турли гуноҳлардан сақланиш ва доимо яхшилик қилиш каби улкан омонат юклатилган. Қуръони каримда марҳамат қилинади: “Биз (бу) омонатни (чин бандалик омонатини) осмонларга, ерга ва тоғларга тақриф этдик, улар уни кўтаришдан бош тортдилар ва ундан қўрқдилар. Инсон эса уни ўз зиммасига олди...” (Аҳзоб, 72).


Банданинг юрти ва миллатига хиёнат қилиши оғир гуноҳ, зиммасига олган илоҳий омонатдан юз ўгиришдир.

Разил, имони йўқ, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдосидан келаётган катта-кат-

та маблағлар эвазига фаолият юритаётган кимсаларнинг хуружи юрти-миз тинчлиги ва халқимиз осойишталиги, фарзандларимизнинг келажагига қаратилган тажовуздан ўзга нарса эмас.

Ҳозирги пайтда дунёнинг кўпгина мамлакатларида гиёҳвандлик офати инсон жони ва ақлини ўз вазифасини адо этишдан маҳрум қилиб, ҳаётга эндигина қадам ташлаб бораётган азиз фарзандларимизнинг ногирон бўлиб қолишларига олиб келмоқда.

Гиёҳвандлик, террорчилик ҳаракатлари, зулм, зўравонлик муқаддас динимизнинг инсонпарварлик, меҳр-оқибатга йўғрилган таълимотларига мутлақо зиддир. Булар инсониятга қарши мудҳиш жиноят ҳисобланиб, Исломотаълимоти уни қатъий қоралаб, рад этади. Пайғамбаримиз ^(у зотга Аллоҳнинг салом бўлсин) «Ҳажжатул вадоъ»да мусулмонларга қарата бундай деб панд-насиҳат қилганлар: «Эй одамлар, хоҳ ўзингизнинг ва хоҳ бир-бирингизнинг қонингизни тўкишингизни Аллоҳ таоло сизларга ҳаром қилди. Шу билан бирга, бир-бирингизнинг мол-мулкингизга тажовуз қилишни ҳам Аллоҳ таоло сизларга ҳаром қилди» (Имом Бухорий ривояти).



Чин мўминлик

“Ҳеч бирингиз ўзига истаган нарсани қардошига ҳам истамагунича комил мўмин бўлмайди”.

(Имом Бухорий ривояти)

Пайғамбаримизнинг (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) ушбу ҳадисларида мўмин хулқи қандай бўлиши лозимлиги баён этилган.

У зот (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) ўзгаларга яхшиликни истаида барчамизга намуна бўлганлар. Саҳобалар (Аллоҳ ундан рози бўлсин), ҳаётларида ҳам бунга мисоллар жуда кўп. Икрима (Аллоҳ ундан рози бўлсин) яраланиб, чанқаб ётар эканлар, сув беришиганида, ўзлари ичмай, бошқа сувга муҳтожроқ инсонга раво кўрдилар.

Мўмин ўзига нима истаса, уни оиласи, яқинлари ва ҳаммага раво кўради. Лекин биз бу фазилатни фарзандларимизга сингдириши ўрнига, уларга тинмай: “Пишиқ бўл, бўшаима, ҳақингни бировга бериб қўйма!” деб уқтиришдан чарчамаймиз. Баъзи болаларнинг худбин ва бахил бўлиб, ҳатто қариндошлари, ака-сингиллари ва ниҳоят ота-онасига ҳам яхшиликни раво кўрмайдиган бўлиб қолиши шундан эмасми?

Кўча-кўйда кўриб, эшитиб қоламиз: баъзи ёшлар, ўсмирлар бир-бирини қаттиқ турткилайди, тўғри турган нарсани синдиради, тап тортмай сўкинади... Бундай ҳолларни кўрганлар кўрмаганга олиб кетишяпти. Ахир Пайғамбаримиз (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) бизга: “Сизлардан бирингиз ёмон нарсани кўрса, қўли билан ўнгласин, бунга имкони бўлмаса, тили билан ўнгласин. Бунга ҳам имкони бўлмаса, қалби билан ўнгласин. Бу ҳол имоннинг заифлигидир”, деб тавсия қилганлар-ку!

Фарзандларимизни меҳр-шафқат, ҳаё, мурувватга ўргатайлик. Уларни сахий, мурувватли, кўнгли очик, муҳтожларга ёрдам берадиган инсон қилиб улғайтирайлик. Иқболимиз, эртанимиз фарзандларимизнинг салоҳиятига боғлиқдир!

Баҳромжон АЛИМОВ

«HIDOYAT»

Ойлик диний-маърифий, илмий-адабий нашр

Муассис

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

Бош муҳаррир

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН

Таҳрир ҳайъати

Усмонхон АЛИМОВ
Абдулазиз МАНСУР
Абдураззоқ ЮНУС
Ортиқбек ЮСУПОВ
Анвар ТУРСУН
Аҳад ҲАСАНОВ
Зоҳиджон ИСЛОМОВ
Абдулҳамид ТУРСУН
Ҳайдархон ЙЎЛДОШҲЎЖАЕВ
Баҳодир КАРИМОВ
Эркин МАЛИК
Муҳаммад Шариф ЖУМАН
Исомиддин ОЛИМОВ
Абдул Жалил ХЎЖАМ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Муҳтарама УЛУҒОВА

Хаттот

Ислом Муҳаммад

Баъдий муҳаррир

Элнур Ниёз ўғли

Саҳифаловчи

Баҳром ИКРОМОВ

Матни

Раҳима КАРИМЖОН қизи терди.

Манзилмиз

100002, Тошкент шаҳри
Зарқайнар 18-берк кўча 47^а-уй;
Тел: 227-34-30, 240-05-19.
Интернет сайтимиз: www.hidoyat.uz
Интернет почтаимиз: m-nashr@yandex.ru
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган.
Гувоҳнома рақами 0177.

Босишга 2013 йил 00 мартда рухсат берилди.
Босмаҳонага 2013 йил 00 мартда топширилди.
Қоғоз бичими 60x841/8. Адади 64.600 нусха.
2881 -сон буюртма. «Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида босилди.
Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Кўлёмалар қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Келтирилган иқтибос ва рақамлар учун муаллиф масъул. Хат юборилганида исмлар тўлиқ, манзил аниқ ёзилсин. Мақолалар кўчириб босилса ёки иқтибос олинса, «Ҳидоят»дан олингани кўрсатилиши шарт.

Журналимиз саҳифаларида оят ва ҳадислар берилётгани учун уни ножоиз жойларга ташла-маслигингизни сўраймиз.

ТАФСИР **4** СИЗЛАР УЧ ТОИФА БЎЛУРСИЗ

«Ўнг томон эгалари» жаннатга ўнг томонлари билан олиб бориладиганлардир. «Чап томон эгалари» дўзахга чап томони билан олиб бориладиганлар, «ўзиб кетган зотлар» эса Аллоҳ ва расулига имон келтиришда пешқадам бўлган илк мусулмонлардир».

САҲОБАЛАР ҲАЁТИ УСМОН ИБН МАЗЪУН **8** (РОЗИЯЛЛОҲУ АНҲУ)

Усмон ибн Мазъун кундузлари рўзадор, кечалари намоз билан машғул эди. У жоҳилиятдаёқ хамрни ўзига ҳаром қилган эди. У бундай дерди: «Ақлимни оладиган, одамларни устимдан кулдирадиган, ўзимга номуносиб аёлга ўйланишимга мажбур қиладиган хамрни ичишни хоҳламайман».

МАСАЛА **14** СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

Нақд пул, олтин, кумуш каби вақт ўтиши билан хусусиятини йўқотмайдиган нарсалар ерда ётганига дуч келган кишининг уларни олиши, олмай ўтиб кетишидан афзал («Мўҳит»). Бундай нарсаларни топиб олган киши бир муддат топиб олган жойида, йўлларда ва жамоат жойларида «Мен бир нарса топиб олдим!», «Пулини йўқотганлар келсин» каби сўзлар билан эълон қилиши керак. Мол эгаси эканини даъво қилиб келган одамдан эса «Йўқотган нарсангни таърифла», дея топиб олган нарсасини сифатларини сўраш орқали ҳақиқатдан ҳам у мол эгаси эканини аниқлаши керак («*Фатовойи Қозихон*»).

ХАБАРЛАР ҲАЖ ҲАҚИДАГИ ФИЛМ **20**

«Энг яхши филм», «Энг моҳир актёр», «Операторлик маҳорати» ва «Энг яхши мусиқали фон» йўналишларида ғолиблик шу филм ижодкорларига насиб этди.

МУНДАРИЖА

<i>Долзарб мавзу</i>	
Бандалик омонати	1
<i>Таянч нуқта</i>	
Баҳромжон АЛИМОВ	
Чин мўминлик	2
<i>Бугуннинг гапи</i>	
Байрам тўйга уланди	
<i>“Обод турмуш йили”</i>	
Шаҳардан қолишмайди	6
<i>Ёмонликдан қайтариш</i>	
Сеҳр ва у билан шўғулланиш ҳукми	7
<i>Ибротли хикоя</i>	
Мухлиса РАСУЛЖОН қизи	
Қалблар узоқлашмасин	9
<i>Аёллар саҳифаси</i>	
Муҳаммадий АБДУРАҲИМОВ	
Аёл шаъни ҳимоясида	10
<i>Насихат</i>	
Жалолиддин РУМИЙ	
Дардсиз дуо совуқдир	11
<i>Ҳадис шарҳи</i>	
Бир қийинчиликка икки енгиллик	12
<i>Мутлола</i>	
Ҳожимўқон ИНОЯТОВ	
“Илмнинг фазилати”ни ўқиб...	13
<i>Буюклар ибрати</i>	
Қонуний ва чумоли	
Ишга бош тикилган...	15
<i>Мазҳабимизни ўрганамиз</i>	
Имоми Аъзамнинг талабалик йиллари	16
<i>Ҳуқуқий маслаҳатхона</i>	
Иқром МАРДОНОВ	
Меҳнат ҳақидан ушлаб қолиш тартиби	17
<i>Адабий таҳлил</i>	
Обидхон ИКРОМОВ	
Навоий асарларида Абу Бакр Сиддиқ	
(розияллоҳу анҳу) таърифи	18
<i>Инсон ўзинг...</i>	
Одамнинг заҳри	19
<i>Тарбия</i>	
Машраббону АКМАЛ қизи	
Қалбим юмшасин десангиз	23
<i>Шеърят</i>	
Облоқул СУЮНОВ	
Билсанг, бу қарилик ажиб аломат	
Абдуғаффор АШУРОВ	
Илтижо	
Комил ота ҲАКИМОВ	
Қушлар ноласи	24
<i>Мерос</i>	
Валихон тўра УНВОНИЙ	
Айлагил, ё Раб	25
<i>Дарс</i>	
Ҳадисларнинг тўпланиши	26
<i>Мунаввар олам</i>	
Оламгирнинг хайрли ишлари	27
<i>Қуръон қиссалари</i>	
Од қавми	28
<i>Жажжи тадқиқот</i>	
Ибн Ақил	30
<i>Мовароуннаҳр уламолари</i>	
Самарқанд фақиҳлари	31
<i>Тиббиёт бурчаги</i>	
Пиёз мияни ёшартиради	32
<i>Таассурот</i>	
Ҳабибуллоҳ СОЛИҲ	
Масқатда фестивал	32

СИЗЛАР УЧ ТОИФА БЎЛУРСИЗ

“Сизлар уч тоифа бўлурсизлар. Бас, (у учнинг биринчиси) ўнг томон эгаларидир. Ўнг томон эгалари (бўлмоқ) не (саодат)дир! (Иккинчи тоифа) чап томон эгаларидир. Чап томон эгалари (бўлмоқ) не (бахтсизлик)дир. (Учинчи тоифа эзгу ишларда) ўзиб кетган зотлардир. Айнан ўшалар (Аллоҳга) яқин зотлардир. Ноз-неъмат боғларида” (Воқеа, 7–12).

وَكُنْتُمْ أَزْوَاجًا ثَلَاثَةً ﴿٧﴾ فَأَصْحَابُ الْمَيْمَنَةِ مَا
أَصْحَابُ الْمَيْمَنَةِ ﴿٨﴾ وَأَصْحَابُ الْمَشْأَمَةِ مَا أَصْحَابُ
الْمَشْأَمَةِ ﴿٩﴾ وَالسَّيِّئُونَ السَّيِّئُونَ ﴿١٠﴾ أُولَٰئِكَ
الْمَقْرُونُونَ ﴿١١﴾ فِي جَنَّةِ النَّعِيمِ ﴿١٢﴾

Имом Табарий айтади: «Бу ояти карималарда охиратда одамлар уч тоифага ажралишлари, улар **“ўнг томон эгалари”**, **“чап томон эгалари”** ва **“ўзиб кетган зотлар”** деб номлангани баён қилинган».

«**“Ўнг томон эгалари”** жаннатга ўнг томонлари билан олиб бориладиганлардир. **“Чап томон эгалари”** дўзахга чап томони билан олиб бориладиганлар, **“ўзиб кетган зотлар”** эса Аллоҳ ва расулига имон келтиришда пешқадам бўлган илк мусулмонлардир».

Бу оятларни бошқа муфассирлар ўзгача тафсир қилишган. Жумладан, Ато ва Муҳаммад ибн Каъб айтади: «**“Асҳобул маймана”** амал дафтари ўнг қўлидан бериладиган кишилардир. **“Асҳобул машъама”** эса амал дафтари чап қўлидан бериладиган кимсалардир». Ибн Журайжга кўра, **“Асҳобул маймана”** яхшилик қилувчилар, **“асҳобул машъама”** эса ёмонлик қилувчилардир.

Ҳасан ва Рабиъ ояти карималарни: «**“Асҳобул маймана”** солиҳ амаллар қилиб бахтга эришганлар, **“асҳобул машъама”** эса, ёмон ва қабих ишлари билан ўзларига бахтсизлик келтирганлардир», деб тафсир қилишган.

Абу Зарр Ғифорий ^(Аллоҳ ундан рози бўлсин) Исро воқеаси ҳақида Пайғамбаримиздан ^(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) бундай ривоят қилади: «Дунё осмонига кўтарилганимизда

ўнг томонида бир қанча оломон, чап томонида бир қанча оломон бўлган бир одамни кўрдик. У киши ўнг томонига қараса, кулар, чап томонига қараса, йиғларди. У: “Солиҳ пайғамбар ва солиҳ ўғил, марҳабо!” деди. Мен: “Эй Жаброил, бу ким?” деб сўрадим. “Бу Одам ^(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин), ўнг томонидаги оломон жаннатийлар, чап томонидагилар эса дўзахийлардир...”» деб жавоб берди (Имом Муслим).

Мубаррид айтади: «**“Асҳобул маймана”** – пешқадамлар, **“асҳобул машъама”** эса ортда қолганлардир».

Ўнг томон эгалари (бўлмоқ) не(саодат)дир, Чап томон эгалари (бўлмоқ) не(бахтсизлик)дир.

Бундай мазмунли ояти карималар ўнг томон эгалари эришадиган савоб ва чап томон эгалари йўлиқадиган азоб кўп эканини англатади.

Маҳдавий Расулulloҳнинг ^(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) бундай деганларини ривоят қилган: «**“Ассобиқун”** (ўзиб кетишган) ҳақни қабул қиладиган, улардан сўралганида жўмардлик билан қайтарадиган ва одамлар ҳақида ўзларига ҳукм қилган каби ҳукм қиладиганлардир».

Муҳаммад ибн Каъб Қуразийга кўра, **“ассобиқун”** пайғамбарлардир. Ҳасан ва Қатода эса, **“ассобиқун”**ни “Пайғамбарларнинг умматлари орасида биринчи имон келтирган

кишилардир”, деб тафсир қилишган. Муҳаммад ибн Сирин: «Булар ҳар икки қиблага қараб намоз ўқиганлардир», деб: **“Муҳожирлар ва ансорларнинг энг олдинги пешқадамлари...”**» (Тавба, 100) мазмунли ояти каримани далил келтиради.

Мужоҳид ва бошқа муфассирлар: «“Ассобиқун” Ҳақ таоло ҳимоясига ва намозга ҳаммадан олдин ошиқадиган кишилардир», деб тафсир қилишган.

Ҳазрат Али (каррамаллоҳу ваҷҳаҳу): “Улар беш вақт жамоат намозига биринчилардан бўлиб келадиганлардир”, деган бўлса, Саид ибн Жубайр ^(Аллоҳ ундан рози бўлсин): “Улар тавба ва яхши амалларда пешқадам бўлганлар”, деб тафсир қилади.

Мовардий нақл қилишича, Ибн Аббос ^(Аллоҳ ундан рози бўлсин) “ассобиқун”ни бундай тафсир қилган: “Собиқун тўрт кишидир: бири ҳазрат Мусонинг ^(у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин) умматларидан, Фиръавн оиласидан имон келтирган Ҳизақил исмли киши; Исо пайғамбарнинг ^(у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин) қавмидан антокиялик Ҳабиб Нажжор; Ҳазрат Муҳаммаднинг ^(у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин) умматларидан Абу Бакр ва Умар ^(Аллоҳ улардан рози бўлсин)”.

Шумайт ибн Ажлон айтади: «Одамлар уч тоифа бўлади: бир тоифа одамлар ёшлигидан яхши ишлар қилади ва ўлгунича яхшиликни канда қилмайди. Ана ўшалар Аллоҳ таолога муқарраб собиқунлардир; бир тоифа одамлар ёшлигидан гуноҳларга қўл уради, сўнг узоқ муддат ғафлатда бўлади. Кейин тавба қилиб, гуноҳлардан қайтади ва шу ҳолида ўлим топади. Бу одамлар “ўнг томон эгалари” (“асҳобул ямин”)дир; учинчи тоифа эса, ёшлигидан гуноҳ қилади ва ўлгунича гуноҳ ичида яшайди. Бундайлар “чап томон эгалари” (“асҳобул машъама”)дир».

Имом Табарий ва Қуртубий тафсирлари асосида
Нўъмон АБДУЛМАЖИД
тайёрлади.

Бандалик омонати

Аллоҳ таоло марҳамат қилади: **“...Бирор жонни ўлдирмаган ёки Ерда (бузғунчилик ва қароқчилик каби) фасод ишларини қилмаган инсонни ўлдирган одам худди ҳамма одамларни ўлдирган кабидир. Унга ҳаёт бахш этган (ўлимдан қутқариб қолган) одам эса барча одамларни тирилтирган кабидир. Уларга расулларимиз (илоҳий) ҳужжатларни келтирганлар. Сўнгра уларнинг кўпчилиги ўшандан кейин (ҳам) Ерда исроф қилувчилардир”** (Моуда, 32).

Ушбу оятдаги **“исроф қилувчилардир”** хабаридан мурод – мол-дунёни исроф қилиш эмас, балки умрни гуноҳ ва жиноий ишлар билан исроф қилиб ўтказишдир.

Пайғамбаримиз Муҳаммад ^(у зотга Аллоҳнинг саломи ва саломин бўлсин) халқлар ва миллатлар бирлиги ҳамда осойишталигига таҳдид солувчи фитна-фасод, бузғунчиликлар ҳақида бундай огоҳ этганлар: “Умматимдан қайси бири умматимга қарши чиқса, унинг яхши ва ёмони фарқига бормаса, мўминга зиён етказишдан ўзини тиймасе, берган ваъдасига вафо қилмаса, у менинг умматим эмас!” (Имом Муслим ривояти).

Имонли, виждони пок, қалбида Ватанга, халқига муҳаббати бўлган киши ҳеч қачон ўзи билиб тургани ҳолда хато ишларга қўл урмайди. Ватан меҳри, дегани шунчаки айтиладиган сўз эмас, балки у – бахт топган остонамиз – оиламиз, бизни элу юртга қўшган урф-одатларимиз, удумларимиз – миллий қадриятларга, биз ўсиб-улғайган тупроқ, ота-онамиз тебратган бешикка бўлган муҳаббатимиз, ҳаяжонли туйғуларимиздир. Фақат буни биз ҳис қила билсаккина, у қалбдан чиқади, самимий бўлади.

Бузғунчилар қанчадан-қанча маблағ сарфлаб, гиёҳвандлик, одам савдоси, “оммавий маданият” каби балоларни ёйиб, одамларни хато ишларга бошлаб, ҳатто уларнинг қўлларига қурол бериб, қабиҳ режаларини амалга ошириш пайида. Шу ватан учун, миллат келажаги, фарзандларимиз камоли, динимиз ривож учун ҳам фитначиларга қарши курашиш, доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиш юксак бурчимиздир.

Шуҳрат РАВШАНОВ,
Чироқчи туманидаги
“Бобошер” жоме масжиди имом-хатиби

Байрам тўйга уланди

Ҳар фаслнинг ярашиқли ўрни бор. Аммо ҳеч бирини баҳорни кутганчалик интиқиб кутмаймиз.

Аслида баҳорнинг боши март ойи ҳисобланади. Аммо февралданок кўклам нафаси уфуради. Ҳали қиш тугамай кўкка, сумалакка оғзимиз тегади. Дарахтларнинг куртаклари бўртиб қолганини кўриб, яна шу кунларга етганимиздан суюнамиз, Наврўз билан бир-биримизни кутлаймиз.



Айниқса, бу кунларда халқимизнинг эзгу фазилатлари янада ортади. Наврўз байрамида ёлғиз, бемор, ногиронлар ҳолидан хабар оладилар. Уларга

ҳадялар улашилади. Ёрдамга муҳтож, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилади.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси ходимлари ҳар йилгидек Наврўз байрами кунлари эзгу анъаналарни давом эттириб, ёлғиз қариялар, беморлар, меҳрибонлик уйларидаги болалар ҳолидан хабар олишди. Уларга моддий-маънавий кўмак бериб, кўнгиллари кўтаришди.

Шундай хайрия тadbирларнинг бири март ойининг йигирма биринчи кунини Олмазор туманидаги 24-меҳрибонлик уйида бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари Абдураззоқ Юнусов ва “Мунаввар қори” жоме масжиди имомхатиби Собиржон Рустамовлар иштирок этишди. Ўша кунини идора ҳомийлигида ушбу масканда тарбияланаётган ўн олти нафар болакайнинг хатна тўйлари ўтказилди. Тўйболаларга кийим-бош ва турли совғалар улашилди. Байрам дастурхони тuzалиб, болалар меҳмон қилинди.

Tadbирда сўз олган Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари Абдураззоқ Юнусов болаларни байрам билан қутлаб, муассаса ҳисоб рақамига ўтказилган хайрия маблағи чекини меҳрибонлик уйи директори топишди.

Муҳаммад СИДДИҚ

Қишлоқларимиз кундан-кун гўзаллашиб бораётгани дилларни яйратади. Замонавий услубда қурилган икки қаватли уйлар туман марказини янада файзли қилди. Ҳозир бу уйларга бир неча ёш оилалар кўчиб ўтди. Бугун бу ерлар шаҳардан қолишмайди. Айниқса, қишлоқ тиббий муассасаларидаги жиҳозлар илгариларига фақат вилоят марказларидагина бўларди. Тиббий кўриқдан ўтиш учун қийналиб шаҳарга

Шаҳардан қолишмайди

боришга тўғри келарди. Энди ҳамма нарса қишлоқда етарли. Бундай қулайликлар, катта имкониятларни кўриб, беихтиёр Яратганга шукроналар айтасан киши.

Бизнинг жоме масжидимиз яқин-атрофида Ҳолдеворбек, “Соли махсум”, Қўрғонча, Кўприкбоши, Довлоқ маҳаллалари бор. Одамлари аҳил, ҳамжихат, ҳар бир ишни маслаҳат билан ҳал этишади.

Жорий йилнинг “Обод турмуш йили” деб аталиши, қишлоқдошларимиз ғайратига яна ғайрат қўшди. Маҳаллалар фаоллари, тadbиркорлар ёлғиз, кекса, ногирон, камтаъминланган оилалар кўнгиллари обод қилишга сидқидилдан ҳаракат қилишмоқда.

Наврўз байрами олдидан маҳаллаларда катта ҳашар ўтказилди. Ариқлар тозаланди, йўл бўйларига икки мингга яқин мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди, гуллар экилди. Қабристонлар атрофи тартибга келтирилиб, йўллар таъмирланди.

Ҳашардан кейин ҳимматли фермерлар элга ош беришди.

Обод турмуш йилида қишлоғимизда Наврўз байрами меҳр-оқибат, ёши улуғларга ҳурмат, кичикларга иззат, ҳиммат ва саховат каби эзгу анъаналаримиз мустаҳкам қарор топаётган бир шароитда ўтказилгани янада қувонарлидир.

Саидамирхон БОБОХОН ўғли,
Бўй тумани “Абдуназар ота”
жоме масжиди имом-хатиби

Сулаймон ^(у зотга Аллоҳнинг сазоми бўлсин) замонларида ҳам сеҳр билан шуғулланиш кенг тарқалган эди. Сеҳрчилар ғайри табиий ишлар қилишганидан одамлар мўъжиза билан сеҳрни ажратолмай қолишди. Ҳатто пайғамбарликка нисбатан ҳам кишиларда шубҳа уйғона бошлади. Баъзилар кишини оиласи ҳамда дўстларидан ажратиш, одамлар ўртасига адоват солиш, соғлиғини кетказиш каби қабих ниятда ўрганиб, дунё ва охиратини барбод қилди. Улар ўзлари шуғулланаётган нарсанинг қандай ёмон эканини, бу ҳалокатли ишларга умрини бағишлаган кишига охиратда насиба йўқ эканини жуда яхши биларди. Улар Аллоҳга имон келтирса ва азобидан қўрқса эди, албатта, яхши амалларига яраша мукофот олган бўларди. **«Уни (Аллоҳ китобини сеҳрга) алмашганларга охиратда насиба йўқлигини ҳам яхши билар эдилар. Ўз (насиба)ларини қанчалик ёмон нарсага сотиб юборганларини билсалар эди!»** (Бақара, 102).

Ҳозирги кунгача ҳам сеҳрдан ёмон ниятларда фойдаланиб келинмоқда. Сеҳрни ўрганган ва ўргатган кишига нисбатан ҳукм қандай бўлади? Бу саволга қуйида жавоб оламиз.

Сеҳрчининг амали ҳаром ва гуноҳи кабира эканига ижмо қилинган. Расулulloҳ ^(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) уни етти ҳалок этувчи гуноҳ қаторида санаганлар.

Сеҳр билан шуғулланувчилар имконлари борида тав-

Сеҳр ва у билан шуғулланиш ҳукми

Абу Ҳаййон ^(Аллоҳнинг раҳмати бўлсин) бундай дейди: “Сеҳрда юлдуз ёки шайтон кабилар улуғланса, Аллоҳ таоло яратган нарсаларни улар содир этипти дейилса, бу ижмога кўра куфрдир. Сеҳрни ёмон мақсадда ўрганиш ҳамда уни қўллаш мумкин эмас.

Сеҳрчига ёрдам ҳам гуноҳда сеҳрчи билан тенгдир. Чунки унинг хизмати бўлмаса, серҳчи одамларга зиён етказолмайди.

Кўзбойламачиликни ўрганиш ҳам тўғри бўлмайди, чунки у ботилдир.

ба қилишлари, сеҳр қилишни ташлашлари керак. Аллоҳ таоло Фиръавннинг сеҳргарлари тавба қилиб, саждага йиқилган вақтларида тавбаларини қабул қилган: **«Бас, сеҳргарлар сажда қилган ҳолларида (ерга) йиқилиб: “Ҳорун ва Мусонинг Парвардигорига имон келтирдик”, дедилар»** (Тоҳа, 70). Тавба эшиклари ёпилмагунга қадар инсоннинг қилган тавбаси, албатта, қабул бўлади.

Манбалар асосида
Сора Ҳусайн қизи тайёрлади.



Тўлиқ исми: Усмон ибн Мазъун ибн Ҳабиб ибн Ваҳб ибн Ҳузофа ибн Жамҳ ибн Амр ибн Ҳасис ибн Каъб Жамҳий. Куняси: Абу Соиб. Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) эмикдош биродарлари. Исломни ўн учинчи бўлиб қабул қилган.

Усмон ибн Мазъун (розияллоҳу анҳу)



* * *

Исломни қабул қилиши: Усмон ибн Мазъун, Убайда ибн Хорис ибн Абдулмутталиб, Абдурахмон ибн Авф, Абу Салама ибн Абдул Асад, Абу Убайда ибн Жарроҳ (Аллоҳ улардан рози бўлсин) Расулуллоҳнинг (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) ҳузурига келиб, ҳаммалари бир вақтда Исломни қабул қилишган.

* * *

Ибодати: У бундай дерди: “Ақлимни оладиган, одамларни устимдан кулдирадиган, ўзимга номуносиб аёлга уйланишимга мажбур қиладиган хамрни ичишни хоҳламайман”. Усмон ибн Мазъун кундузлари рўзадор, кечалари намоз билан машғул эди. У жоҳилиятдаёқ хамрни ўзига ҳаром қилган эди.

* * *

Матонати: “Қурайш бутунлай Исломга кирди” деган хабар тарқалганидан сўнг Усмон ибн Мазъун (Аллоҳ ундан рози бўлсин) издошлари билан Ҳабашистондан қайтди. Маккага яқинлашишганда бу хабар ёлғон экани маълум бўлди. Ортга қайтишнинг имкони йўқ, Маккага кириш ҳам мушкул эди. Сўнг Усмон ибн Мазъун (Аллоҳ ундан рози бўлсин) Валид ибн Муғийранинг ҳимояси остида Маккага кирди. Ўзи ҳимояда турган вақтда Расулуллоҳ (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) ва саҳобаларнинг мушриклар қўлида озор чекаётганларини кўргач, Валиднинг олдига келиб: “Эй Абу Абдушшамс, вазифангни

базардинг. Ҳимоянгда эдим. Энди Расулуллоҳ (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) ва саҳобаларнинг ёнига қайтмоқчиман”, деди. Валид ибн Муғийра: “Кимдир сени хафа қилдимми?!” деб сўради. Усмон ибн Мазъун (Аллоҳ ундан рози бўлсин): “Йўқ, Мен фақат Аллоҳ ҳимоясида бўлишни истайман”, деб жавоб қилди. Валид: “Ундай бўлса, масжидга бориб, ҳимоямга ўтганингни ошкор қилганинг каби ҳимоямдан чиққанингни ҳам ошкор айтасан, деб шарт қўйди. Масжидга боришди. Валид: “Усмон ибн Мазъун ҳимоямдан чиқмоқчи”, деб жар солди. Усмон ибн Мазъун (Аллоҳ ундан рози бўлсин): “Валид ваъдасига вафо қилди. Мен Аллоҳдан бошқанинг ҳимоясида бўлишни истамайман”, деб ошкор айтди.

Бу воқеадан оз фурсат ўтди. Лабид ибн Робиа Қайсий қурайшликлар билан ўтирган даврага Усмон ибн Мазъун (Аллоҳ ундан рози бўлсин) ҳам келиб қўшилди. Шунда Лабид бундай шеър айтди: “Огоҳ бўлинг! Аллоҳдан бошқа ҳамма нарса ботил”. Усмон ибн Мазъун (Аллоҳ ундан рози бўлсин): “Тўғри айтдинг”, деди. Лабид: “Ҳамма неъмат бир кун бўлар завол”, деди. “Ёлғон айтдинг”, деди Усмон ибн Мазъун (Аллоҳ ундан рози бўлсин). Ўтирганлар Лабиддан шеърини такрор айтишини сўрашди. Лабид такрорлади. Усмон ибн Мазъун (розияллоҳу анҳу) ҳам айтган сўзларини такрорлаб: “Жаннат неъмат завол бўлмади”, деди. Ҳазрат минган Лабид: “Аллоҳга қасам, эй Қурайш жамоаси, бу ерда нималар бўляпти?” деб

бақирди. Шу вақтда мушриклардан бири Усмон ибн Мазъуннинг ^(Аллоҳ ундан рози бўлсин) кўзига мушт туширди. Ўтирганлардан бири: “Эй Усмон, яхши ҳимояда эдинг, кўзинг ҳам соғ қоларди”, деди. Усмон ^(Аллоҳ ундан рози бўлсин): “Менга Аллоҳнинг ҳимояси азизроқ. Ҳолбуки, иккинчи кўзим биринчисининг аҳволига тушса ҳам, мен учун Расулulloҳ ва саҳобаларда ибрат бор”, деб жавоб қилди. Бу воқеадан сўнг Усмон ибн Мазъун ^(Аллоҳ ундан рози бўлсин) Мадина сафарига кетди.

* * *

Мадинада: Ансорлар муҳожирларни жойлаштириш мақсадида қуръа ташлашди. Усмон ибн Мазъун Уммул Аълонинг ^(Аллоҳ ундан рози бўлсин) оиласи чекига тушди. Уммул Аъло ^(Аллоҳ ундан рози бўлсин) бундай ҳикоя қилади: “Усмон ибн Мазъун бизникида хасталаниб қолди. Вафот этгунига қадар унга ҳамширалик қилдим. Ўлганида кийимига кафанладик. Расулulloҳ ^(У зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) уйимизга келдилар. Мен: “Эй Абу Соиб, Аллоҳ сизни раҳмат қилсин. Шубҳасиз Аллоҳ сизни икром қилганининг шоҳиди бўлиб турибман”, дедим. Шунда Пайғамбаримиз ^(У зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин): “Аллоҳ уни икром қилганини қаердан биласан?” деб сўрадилар.

Умму Аъло: “Ота-онам сизга фидо бўлсин, ё Расулulloҳ. Аллоҳ бу кишини икром қилмай, кимни икром қилсин?” дедим. У зот ^(У зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин): “Аллоҳга қасам, Усмонда қалб хотиржамлиги бор эди. Аллоҳ ҳақи, шубҳасиз, унга яхшилик тилайман. Лекин мен Аллоҳнинг расули бўлатуриб, охиратда ҳолим не кечишини билмайман”, дедилар. Мен: “Аллоҳ ҳақи, бундан кейин бирор кишини гуноҳлардан пок деб айтмайман”, дедим. Кейин дилим ғаш бўлиб ухлаб қолдим. Тушимда Усмон ибн Мазъун ^(Аллоҳ ундан рози бўлсин) учун оқиб турган булоқни кўрдим. Эрталаб Расулulloҳнинг ^(У зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) ҳузурларига бориб, тушимни айтиб бердим. У зот: “Бу унинг яхши амалларидир”, дедилар.

* * *

Вафоти: Ойша ^(Аллоҳ ундан рози бўлсин) айтади: “Расулulloҳ ^(У зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) Усмон ибн Мазъун ^(Аллоҳ ундан рози бўлсин) вафот этганида юзидан ўпар, кўзёшлари унинг юзига томарди”.

Ибн Асир ^(Аллоҳнинг раҳмати бўлсин) айтади: “Усмон ибн Мазъун ^(Аллоҳ ундан рози бўлсин) ҳижратнинг иккинчи йили Мадинада вафот этган биринчи муҳожирдир. Бақиъ қабристонига ҳам биринчи бўлиб қўйилган”.

Ўткирбек ҲАКИМОВ,

“Усмон ибн Мазъун” жоме масжиди имом-хатиби

Қалблар узоқлашмасин

Бир куни муаллим ўқувчиларидан сўради:

– Одамлар жанжаллашганида нега овозини баланд кўтаради?

– Асаби бузилгани учун, – деб жавоб берди бир ўқувчи.

– Тўғри, – деди муаллим. – Аммо ёнма-ён турганда бақиришга на ҳожат? Бу ҳолатда секин гаплашса ҳам бўлади-ку, шундай эмасми?

Бир оз сукутдан кейин ўқувчилар берган ҳар хил жавобларнинг бирортаси муаллимни қониқтирмади. Охири ўзи бундай деди:

– Одамлар бир-биридан норози бўлиб уришаётган пайтларида қалблари узоқлашади. Ўртада бўш қолган масофани тўлдириш ва гапини бир-бирига эшиттириш учун бақириб гапиришади. Жаҳл отига миниб олиб, пастга тушгилари келмайди. Аммо бир-бирини ёқтириб, яхши кўриб қолганлар асло бақириб гаплашмайди. Чунки бунда қалблар орасидаги масофа жуда кичик бўлади. Бир-бирини қаттиқ севганларга пичирлаб гаплашиш ҳам етарли. Ҳатто баъзан бу ҳам керак бўлмай қолади: улар бир-бирини сўзсиз тушунади. Чунки орада ҳеч қандай бўш жой қолмайди. Ўзаро тортишаётган пайтларингда қалбларингиз узоқлашишига йўл қўйманглар. Одамлар орасидаги масофа узоқлашаверса, охири орқага йўл топиб бўлмай қолади.

• Умр жудаям қисқа. Душманлик ва жанжалларга сарфлагандан кўра, ундан унумли фойдаланишимиз муҳимроқ. Айниқса, оила даврасида...

Мухлиса РАСУЛЖОН қизи
тайёрлади.

Аёл шаъни ҳимоясида

Ислом дини жоҳилият даври кишилари аёлларни ёмон кўрадиган ва улардан нафратланадиган замонда келди. Аёлларни паст санашар, қизларини тириклай кўмишарди. Ислом бу каби одатлардан қайтарди ва аёл шаънини кўтаришга чақирди. **«Қайси бирларига қиз (кўргани ҳақида) хушхабар берилса, ғазаби келиб, юзлари қорайиб кетади. У (қиз)ни камситган ҳолда олиб қолиш ёки (тириклай) тупроққа қориш (тўғрисида ўй суриб), ўзига хушхабар берилган нарсанинг “ёмон”лигидан (орият қилиб) одамлардан яшириниб олади. Огоҳ бўлинг, уларнинг бу ҳукмлари жуда ёмондир»** (Наҳл, 58–59).

Пайғамбар ^(у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин): “Икки қизни тарбиялаб вояга етказган киши мен билан қиёматда шундай бўлади”, дедилар ва икки бармоқларини бирлаштирдилар (*Муслим ривояти*). Яна бундай марҳамат қилдилар: “Ким қиз фарзанд билан имтиҳон қилинса (синалса), қизларини чиройли парвариш этса, унинг учун жаҳаннамдан парда бўлади” (*Муттафақун алайҳ*).

Ислом дини жоҳилият аҳли аёлларга мерос бермайдиган вақтда келди ва уларнинг меросдан улушини олиб берди. **“Эркаклар учун ота-онала-**



ри ва яқин қариндошлари қолдириб кетган (мерос)дан улуш бордир. Аёллар учун (ҳам) ота-оналари ва яқин қариндошлари қолдириб кетган (мерос)дан улуш бордир. Бу озми-кўпми, фарз қилинган улушдир” (*Нисо, 7*).

Ислом дини жоҳилият одамлари аёлларни зулм ила мерос қилиб оладиган даврда келди. Вафот этган кишининг меросхўрларидан бири келиб, аёллардан бирининг бошига рўмол ташлар ва “буни меросга олдим”, дер эди. Бу иш ҳалол эмаслиги ҳақида Аллоҳ таоло огоҳлантиради: **“Эй имон келтирганлар! Сизларга хотинларни мажбурий равишда мерос қилиб олиш ҳалол эмасдир...”** (*Нисо, 19*).

Ислом дини жоҳилият кишилари аёлларни зўрлик билан ушлаб, улар ҳақини адо қилмаётган замонда келди. Берган нафақаларининг ҳам-

масини қайтармагунича эр хотинни талоқ қилмас эди. Ота қизининг, ака сингисининг ўз хоҳиши билан оила қуришига тўсқинлик қиларди. Бир неча хотини бўлишига қарамай, эрлар хотинига “товон” тўлатиб, сўнг жавобини берарди. Аллоҳ таоло бундай буюради: **“...Яна уларга берган маҳрларингизнинг бир қисмини қайтариб олиб кетиш ниятида хотинларингизга тазйиқ қилманг! Агар улар аниқ бузуқлик қилсалар (бу мустаснодир)...”** (*Нисо, 19*); **“Хотинларни талоқ қилганингизда (идда) муддатига етган бўлсалар, (эй ота-она ва қариндошлари,) улар ўзаро яхшиликча келишиб олган бўлсалар, эрларига (қайтадан) никоҳланишларида уларга тазйиқ ўтказманг!”** (*Бақара, 232*).

Маъқалибн Ясор ^(Аллоҳ ундан рози бўлсин) Расулulloҳнинг ^(у зотга Аллоҳнинг саломи ва сизнинг бўлсин) даврларида сингисини мусулмонлар-

дан бир кишига эрга берди. Аёл унинг хузурида бир муддат турди. Сўнг эр уни бир талоқ қўйиб, иддаси тугагунча унга қайтмади. Кейин улар бир-бирларига қайтишни хошлашди. Шунда Маъқал ибн Ясор куёвига: “Сени ҳурмат қилиб синглимни берган эдим, сен бўлса уни талоқ қилдинг. Аллоҳга қасам, у сенга абадий қайтмайди”, деди. Сўнгра Аллоҳ таоло: “...улар ўзаро яхшиликча келишиб олган бўлсалар...” оятини туширди.

Маъқал ибн Ясор ^(Аллоҳ рози бўлсин) ояти каримани эшитиши билан: “Аллоҳга қулоқ тутамиз ва итоат қиламиз”, деди. Кейин куёвини чақириб: “Синглимни сенга никоҳлаб бераман ва сени ҳурмат қиламан”, деб айтди *(Термизий ривояти)*.

Ислом дини аёлларга зулм ҳаддан ошган, улар ахлоқсизлик ва муомалани билмасликда айбланаётган даврда келди. Динимиз бу ишларни қоралади. Эркаклар ўзларига қандай муомала қилишларини хоҳласалар, аёлларга ҳам шундай муомала қилишни буюрди. Қуръони каримда марҳамат қилинади: “Улар билан тотув турмуш кечиринг” *(Нисо, 19)*; “... Аёллар учун (белгиланган ҳуқуқлар) ўз меъёрида эркаклар (ҳуқуқи) билан тенгдир...” *(Бақара, 228)*.

Ислом дини бир одам ўлса, унинг хотини тўлиқ

бир йил идда ўтиришга мажбур бўлган замонда келди. Муборак динимиз бу қоидага енгиллик киритди: “Сизлардан вафот этиб, хотинларини қолдирган бўлсалар, (бева хотинлари) тўрт ою ўн кун ўзларини кузатиб (идда сақлаб) ўтирадилар” *(Бақара, 234)*.

Ислом дини аёлларга яхшилик қилишга чақиради. Пайғамбаримиз ^(у зотга Аллоҳнинг сазови бўлсин) бундай марҳамат қиладилар: “Ҳеч бир мўмин эркак бирор мўмина аёлни ёмон кўрмасин. Агар у аёлнинг бирор хулқини ёқтирмаса, бошқа сифатини ёқтиради” *(Муслим ривояти)*;

“Сизларнинг яхшиларингиз аҳли аёлига яхши муносабатда бўлувчиларингиздир” *(Термизий ривояти)*;

“Дунё ўзи бир матодир. Дунё матоларининг энг яхшиси солиҳа аёлдир” *(Муслим ривояти)*;

“Кимга Аллоҳ таоло солиҳа аёл насиб этган бўлса, Аллоҳ унинг динининг ярмига ёрдам берибди. Қолган ярмида Аллоҳга тақво қилсин” *(Ҳоким ривояти)*.

Бошқа бир ҳадисда солиҳа аёл қандай бўлишини бундай баён қилиб берадилар: “Агар эри унга қараса, хурсанд бўлади, буюрса, итоат этади ва бирор жойга чиқса, унинг мол-мулкини муҳофаза қилади” *(Абу Довуд ривояти)*.

**Муҳаммадий
ИБДУРАҲИМОВ,**
Наманган шахри

Жалолиддин РУМИЙ

Дардсиз дуо совуқдир

Бир киши ҳар кеча туриб, Аллоҳга ибодат ва дуони қанда этмасди. Шайтон унга васваса ташлади:

– Неча йиллардан бери ҳар кеча саҳаргача Аллоҳни зикр қиласан. Бирор жавоб бўлдимми? Ҳеч фойдасини кўрмаганинг ҳолда, қачонгача бу ишда давом этасан?

Кишининг кўнгли оғриди, бошини ерга қўйиб, ухлаб қолди. Тушида унга бундай дейилди:

– Ўзингга кел, уйғон! Дуодан, зикрдан ҳам зерикадимми одам?

– Шу пайтгача сўрадим, лекин бирор марта жавоб бўлмади. Илоҳий лутфдан баҳрасиз қолишдан қўрқяпман...

– “Аллоҳ” дейишининг ўзи Яратганнинг лутфи туфайлидир. Чоралар қидиришинг, йўл ахтаришинг Аллоҳ таолонинг сенга марҳаматидан, оёқларингдаги боғларни ечганидандир. Қўрқувинг, муҳаббатинг, умидинг илоҳий эҳсон...

Ҳар бир: “Эй Раббим!” дейишинг замирида Аллоҳ таолонинг: “Лаббай”, деган жавоби бор...

Ғофил, жоҳил одам дуодан узоқдир. Чунки “Ё Аллоҳ” дейиш учун унга изн йўқ. Оғзи ва тилида қулф бор.

Унутма, сени Аллоҳга ёлвориб, дуо қилишга бошлаётган дард-аламлар дунё бойликларидан яхшидир. Зеро, дардсиз дуо совуқ бўлади. Мусибатлар ичра қилинган дуо кўнгил тубидан чиқади.

Бир қийинчиликка икки энгилик бор

Ибн Аббос (розияллоху анху) айтади: «Мен уловда, Расулulloх (соллаллоху алайҳи ва саллам) билан мингашиб олган эдим. Менга дедилар: “Эй болакай! Аллоҳнинг амрларини бажар, Аллоҳ сени (дунё ва охиратда) асрайди. Аллоҳ таолонинг амрларини Уни кўриб тургандек бажар. Соғомон, хотиржам бўлганинда Аллоҳ таолони танисанг, қийинчиликда сени Аллоҳ



қутқаради. Сўрасанг, Аллоҳ таолодан сўра. Ёрдам истасанг, Аллоҳ таолодан ёрдам иста.

Барча бандалар бирлашиб, Аллоҳ таоло сенга ёзмаган (тақдир қилмаган) нарсада сенга фойда бермоқчи бўлишса ҳам, бунга қодир бўлишолмайди. Улар биргалашиб, Аллоҳ таоло сенга ёзмаган (тақдир қилмаган) нарсада сенга зарар етказмоқчи бўлсалар ҳам, бунга қодир бўлишолмайди. Қаламлар қуриган, саҳифалар ёпилган. Агар бирор ишни розилик билан, Аллоҳ таоло учун, ажрига ишониб, қилолсанг қил. Агар қилолмасанг (билки), ёқтирмаган нарсангга сабр қилишингда кўп яхшиликлар бор. Билгин, (илоҳий) мадад сабр билан биргадир, хурсандлик ғам-алам билан ёнма-ёндыр. Ҳар бир қийинчилик билан бирга энгилик бор. Бир қийинчилик икки энгиликдан асло устун келмайди» (Разин ушбу лафз билан ривоят қилган. Термизий қисқартириб келтирган).

Шарҳ:

Ҳадиснинг янада осонроқ тушунилишини таъминлайдиган изоҳлар қавс ичида берилди.

Ҳадиснинг сўнгги қисмида келган “Бир қийинчилик иккита энгиликдан асло устун келмайди”, жумласини имконимиз қадар

шарҳлаймиз. Бу ўринда “бир қийинчилик” ва “икки энгилик”дан муруд нима? Ибн Касир **“Бас, албатта, ҳар бир қийинчилик билан бирга энгилик бордир. Албатта, ҳар бир қийинчилик билан бирга энгилик бордир”** (Шарҳ, 5–6) оятлари тафсирида Қатоданинг ушбу сўзларини келтиради: «У икки ояти каримада ҳам “қийинчилик” маъносидаги “ёуср” сўзи аниқликни билдирувчи “ал” қўшимчаси билан келган. Шунингдек, “энгилик” маъносидаги “ёуср” сўзи икки оятда ҳам аниқликни билдирувчи “ал” қўшимчасиз келган. Демак, оятлардаги “қийинчилик” маъносидаги сўз гарчи икки марта такрорланса ҳам, “битта қийинчилик”дир, “энгилик” маъносидаги сўз эса ҳар бир оятда алоҳида энгиликка ишора қилади. Демак, ояти каримадан бир қийинчиликка икки энгилик борлиги аён бўлади. Шунинг учун ҳам Расулulloх ^(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин): “Бир қийинчилик икки энгиликдан асло устун кела олмайди”, дея хушхабар бермоқдалар».

Ҳасан Басрий айтади: Ривоят қилишларича: “Бир куни Расулulloх ^(у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) хурсанд, кайфиятлари чоғ бўлиб чиқдилар. У зот: “Бир қийинчилик икки энгиликдан асло устун кел-

майди, бир қийинчилик икки энгилликдан асло устун келмайди. Албатта, ҳар бир қийинчилик билан бирга энгиллик бордир. Албатта, ҳар бир қийинчилик билан бирга энгиллик бордир», дедилар».

Ибн Касир тафсирида яна бундай ривоят ҳам келтирилган: «Ҳазрат Анас ^(Аллоҳ ундан ризи бўлсин) айтади: «Расули акрам ^(У зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) бир қоянинг қаршисида ўтирардилар. Бир пайт: «Қийинчилик келиб шу қоянинг ичига кирса, албатта, энгиллик унинг ортидан ичкарига киради ва у ердан қийинчиликни чиқаради», деб марҳамат қилдилар». Шу аснода **“Албатта, ҳар бир қийинчилик билан бирга энгиллик бордир. Албатта, ҳар бир қийинчилик билан бирга энгиллик бордир”** (Шарҳ, 5–6) ояти каримаси тушди.

Бошқа бир ривоятда Расулulloҳ ^(У зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) бундай марҳамат қилганлар: “Чекилган қийинчилик миқдорича осмондан ёрдам тушади, сабр ҳам мусибат миқдорича берилади”.

Шундай экан: машаққат қанчалик оғир, мусибат нақадар улуғ бўлмасин, умидсизликка тушмаслик керак. Парвардигоримиз ана шу миқдорда сабр ва ёрдам ато этади, бир қийинчилик ортидан икки баробар осонлик пайдо қилади.

Манбалар асосида
СОДИҚ НОСИР
тайёрлади.

“Илмнинг фазилати” ни ўқиб...

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимовнинг “Мовароуннаҳр” нашриётида тайёрланган “Илмнинг фазилати” номли китобини ўқиб чиққач, бу асар одамларни илм олишга чорлашда муҳим нашр эканига амин бўлдим.

Китоб халқона, содда тилда ёзилган, осон тушунилади. Фикрлар теранлиги ёшу қари бўлишидан қатъи назар, ҳар қандай ўқувчининг эътиборини тортади. Китобда муаллиф илмнинг фазилати, унинг инсон ҳаётида муҳим ўринга эгаллигини **“Биладиганлар билан билмайдиганлар тенг бўлурми?!”** ояти каримаси, шунингдек, Пайғамбаримизнинг ^(У зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин): “Олим Аллоҳнинг ер юзидаги ишончли бандасидир” ҳадислари билан далиллайди.

Китобни ўқиш жараёнида илмнинг комил инсон тарбиясидаги ўрни, унинг фазилатлари, қолаверса, жамият равнақидаги аҳамияти хусусида улуғ мутафаккирларнинг ёрқин ўгитлари билан ҳам танишамиз.

Бир куни Фатҳ Мусалий суҳбатдошларидан: “Касалга сув, овқат берилмаса, ўладими?” деб сўради. Атрофдагилар “Ҳа, ўлади”, деб жавоб беришди. Шунда Фатҳ: “Қалбга ҳам уч кун илм берилмаса, ўлади”, деди. Бинобарин, инсоннинг тириклик манбаи таом бўлгани каби, қалбнинг тириклиги илм, маърифат билан. Зеро, инсон қалби илму маърифат билан уз-

луксиз равишда озиклантириб турилмаса, у қаттиқлашади. Қалби қаттиқ инсон зулмга, ёмонликларга, муомалада шафқатсизликка мойил бўлади.

Китобда аждоқларнинг ибратли ҳаёт йўллари билан бирга, муаллифнинг бошдан кечирган ёки бевосита гувоҳи бўлган воқеа-ҳодисалар ҳам гўзал усулда баён қилинган. Шу билан бирга, қадим Самарқанддан етишиб чиққан улуғ сиймолар, алломаларнинг ҳаёти, қолдирган мерослари юртимиз истиқлолга эришганидан кейин бу ерда амалга оширилган хайрли ишларга ҳам алоҳида ўрин ажратилган. Айниқса, улуғларимиз зиёратгоҳларини ободонлаштириш, бу ишларда фидойилик кўрсатган инсонлар ҳақида маҳсус тўхталиб ўтилган. Истиқлол йилларида Имом Бухорий ёдгорлик мажмуаси, Шоҳи Зинда мажмуаси, Гўри Амир мақбараси ва бошқа қадамжолар буткул ўзгача қиёфа касб этди. Истиқлол давридаги катта ижобий ўзгаришлар қадрига етишимизда тарихдан сабоқ олиб, келажак сари илдам интилишимизда, айниқса, улуғ аждоқларнинг муносиб ворислари сифатида фойдали илмларни эгаллашимизда бундай китоблар биз ёшларга катта ёрдам беради.

Ҳожимуқон ИНОЯТОВ,
Пайариқ тумани

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

Саволларингизга Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий
Усмонхон АЛИМОВ жавоб беради.

Савол: **Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳ. Ҳурматли Муфтий ҳазратлари! Баъзилар шом намозидан кейин икки ракат намоз ўқишади ва уни “Тухфаи Расул” деб аташади. Айтинчи, бу намоз шариатимизда борми?**

Жавоб: Алҳамду лиллаҳ, вассолату вассаламу ала росулиллаҳ. Аммо баъд.

Ҳанафий фикҳига оид мўътабар китобларда шом намозидан сўнг нафл намоз ўқиш машруълиги зикр қилинган ва шом намозидан сўнг ўқиладиган нафл намози “Аввобин” деб номланган. У намоз баъзи сўфийлар истилоҳида “Тухфаи Расул” деб айтилади.

“Аввобин” сўзи гуноҳларни тарк қилиб, яхши ишлар қилишга ўтиш билан Аллоҳнинг итоати-га қайтувчилар маъносини билдиради. Аввобин намози нафлдир, шомдан кейин икки ракатдан олти ракатгача ўқилади. Пайғамбаримиз ^(у лотта Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) уни олти ракат ўқиганлари ва “Ким шом намозидан кейин олти ракат нафл намози ўқиса, гуноҳлари денгиз кўпигичалик бўлса ҳам, кечирилади”, деганлари ривоят қилинган (*Табароний*).

У зот шом намозидан кейин олти ракат нафл намоз ўқиганларнинг аввобинлардан (гуноҳ содир этиб, ортидан дарҳол тавба қилувчилардан) ҳисобланишини айтиб, “(Эй инсонлар,) **Раббингиз дилларингиздаги нарса (сир)ларингизни яхши билувчидир. Агар сизлар солиҳ бўлсангизлар, албатта, У тавба қилувчиларни мағфират этувчидир**” (*Исро, 25*) оятини ўқиганлар (*Тафсири Ибн Касир; Шурунбиллоий, “Шарҳи Нурил изоҳ”*).

Ҳанафий мазҳабида тарғиж қилинган қавлга кўра, аввобин намози шомнинг икки ракат суннатидан кейин тўрт ракат ўқилади (*Ваҳба Зуҳайлий, “Ал фикҳул исломи ва адиллатуху”*). Лекин нафл намозларини имкони борича ошкора эмас, пинҳона ўқиш авло эканини эсдан чиқармаслик лозим.




Савол: **Бу воқеага бир йил бўлди. Бир куни эрталаб кўчада кетаётиб ерда ётган пул тўла ҳамёнга кўзим тушди. Яқин атрофда ҳеч ким йўқ эди. Уни олиш-олмасликка бир муддат иккиланиб, охири олдим. Буни эшитган баъзи яқинларим: “Уни ўзинг ишлатавер, Худонинг ўзи берди сенга. “Йигитнинг моли ерда!” деб айтишади-ку, дейишди. Аммо менинг кўнглим бир оз хижил. Нима қилишимни маслаҳат берасиз?**

Жавоб: Нақд пул, олтин, кумуш каби вақт ўтиши билан хусусиятини йўқотмайдиган нарсалар ерда ётганига дуч келган кишининг уларни олиши, олмай ўтиб кетишидан афзал (“*Муҳит*”). Бундай нарсаларни топиб олган киши бир муддат топиб олган жойида, йўлларда

ва жамоат жойларида “Мен бир нарса топиб олдим!” “Пулини йўқотганлар келсин!” каби сўзлар билан эълон қилиши керак. Мол эгаси эканини даъво қилиб келган одамдан эса “Йўқотган нарсангни таърифла”, дея топиб олган нарсасини сифатларини сўраш орқали ҳақиқатдан ҳам у мол эгаси эканини аниқлаши керак (“*Фатовойи Қозихон*”).

Агар топилган нарсанинг эгаси чиқмаса, топиб олган киши фақир бўлса, уни ўзи ишлатиши мумкин (“*Муҳит*”). Аммо бой бўлса, ўзига сарф қилолмайди, бошқаларга садақа қилади. Агар ота-онаси, камбағал бўлишса, уларга ҳам бериши мумкин (“*Кофий*”).

Ҳар икки ҳолда ҳам топиб олинган нарсанинг эгаси қачон чиқса, унга мол ёки унинг мисли (қиймати) қайтариб берилиши керак.



Савол: Тарихда ўтган бир шахс ҳақидаги маълумотни ўқиётиб:

“У муҳадрамлардан эди” деган жумлага кўзим тушди. “Муҳадрам” нима дегани?

Жавоб: Баъзилар, Пайгамбаримиз (у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин) замонларида яшагани ҳолда, у зотнинг вафотларидан кейин мусулмон бўлганларни “муҳадрам”, деб аташган. Баъзи манбаларда, жоҳилият асрда яшаб Ислом даврини топган кишилар муҳадрамлардир, дейилган.

Муҳаддислар эса, Расулulloҳ (у зотга Аллоҳнинг саломи ва саломи бўлсин) замонларида яшаб, мусулмон бўлгани ҳолда, У зотни (у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин) кўролмаган кишиларни “муҳадрам” деб аташган. Имом Муслим ва Суютийга кўра, Увайс Қараний, қози Шурайх ибн Ҳорис, Алқама ибн Қайс муҳадрамларнинг машхурларидандир.

Нўъмон АБДУЛМАЖИД
ёзиб олди.

ҚОНУНИЙ ВА ЧУМОЛИ

Қонуний Султон Сулаймоннинг боғида қимматбаҳо дарахт бор эди. Шу дарахтни чумоли босиб кетди. Қонуний Султон шайхулисом Абу Саид ҳазратларига тазкира битиб, масаланинг ечимини сўради:



“Оғочимни қоплади чумоли, Уни қирсақ, борми гуноҳи?..”

Шайхулисом мактубга бундай жавоб битди:

“Эрта Маҳшар кўринади аъмоли,

Ҳақини олур, Сулаймондан чумоли...”

ИШГА БОШ ТИКИЛГАН...

Бир подшоҳнинг жондан ортиқ кўрадиган туяси бор эди. У фақат шу туяга қарашлари учун бир неча кишини тайинлаб, уларга маош берарди. Шоҳнинг туяга муҳаббати кучли бўлганидан: “Ким менга туямнинг ўлгани ҳақидаги хабарни келтирса, калласини оламан!” дейишгача борди.

Аммо туя ҳам жонивор...



Кунлар кетидан кунлар ўтиб, неча йиллар яшаб, барча яратиклар сингари ниҳоят ўлди. Энди ким ҳам бориб подшоҳга бу хабарни етказди? Бир-икки кун ўтса ҳам ҳеч ким юрак ютиб шоҳга йўлай

олмади. Шунда туя боқувчилардан бири: “Бориб, шоҳга туясининг ўлганини маълум қиламан”, деди. Подшоҳ ҳузурига боргач, санай бошлади:

– Султоним, қимматли туянгиз ётибди – турмайди, кўзларини юмган – очмайди, оёқларини узатган – йиғмайди...

Унинг гапларини диққат билан охиригача тинглаган шоҳ:

– Гапни чўзмасдан, “Туянгиз ўлди”, десанг-чи! – деди.

Шунда доно туякаш:

– Шоҳим! Буни ўзингиз айтинг, чунки бу ишга бош тикилган... – деди.

“Гўзал ҳикоялар” китобидан

Имоми Аъзам ёшлик вақтларида бир оз савдо билан машғул бўлар эдилар. Кунларнинг бирида Имом Шаъбий бозор ичида у ёш ўғлонни кўриб, ўзларига хос фаросат ва зийрак нигоҳ билан бу ўсмирда фазилат ва камолот файзи, илм ва жамол нурини кўрдилар. “Бу кимнинг ўғли?” деб сўрадилар. Бозордагилар: “Собитнинг ўғли, исми Нўъмон”, деб жавоб бердилар. Имом Шаъбий ҳазратлари унга қараб дедилар: “Эй Нўъмон ибн Собит, сиз уламолар билан суҳбат этишингиз, илм таҳсил қилишингиз ва дарс ўқишингиз лозимдир. Менинг фикримча, оз фурсатда улуг олим ва буюк ориф бўлиб етишасиз”.



Имоми Аъзамнинг талабалик йиллари

Имом Шаъбийнинг бу сўзлари Имоми Аъзам кўнгилига қаттиқ таъсир қилди. Бозор ва савдогарлик ишларини йиғиштириб, холис кўнгили билан илм йўлига қадам қўйдилар. Туну кун илм олиш учун саъй-ҳаракат қилдилар. Калом илмини ўқиб, замонасининг машҳури бўлдилар.

Басра шаҳрига бориб, Басра аҳли билан калом илмида кўп мунозаралар қилардилар. Басрада ўша пайтларда олимларнинг йигирмадан кўпроқ гуруҳи бор эди.

Улуг имомнинг қалбига ушбу гаплар илҳом бўлиб, хаёлларидан кетмай қолди: “Саҳоба ва тобеинлар калом илмида тенгсиз эдилар. Аммо бошқаларни бу илмдан қаттиқ қайтаришарди. У зотлар одамларга ҳамиша шариат ҳукмлари ва фикҳий масалаларни ўргатишни хоҳлашарди. Ҳар доим улар Қуръон оятлари ва ҳадислардан чиқадиган масалаларни ўқитиш билан банд эдилар. Ажабо, мен эса калом ва жадал (бахслашиш) илми билан машғулман. Бу яхши эмас”.

ҲАЗРАТ ИМОМИ АЪЗАМ ТАФСИР, ҲАДИС КАБИ КЎПГИНА ИЛМ СОҲАЛАРИДА ҲАМ ДЕНГИЗ МИСОЛИ ЭДИЛАР. БАЛОҒАТ НАЗМИДА ЎЗ ТЕНГЛАРИНИ ОЖИЗ ҚОЛДИРГУДЕК МОҲИР ЭДИЛАР.

Сўнгра Имом Ҳаммоод ибн Сулаймоннинг халқасига яқин келиб, қатъият билан дарс эшита бошладилар.

Бу аснода бир аёл келиб, Имоми Аъзамдан сўради: “Бир эр хотинини суннатга мувофиқ талоқ қилишни хоҳлайди. Бунинг учун нима дейиши керак?” Имоми Аъзам жавоб бермасдан: “Бу саволингни Ҳаммооддан сўрасанг, жавобини билиб оласан”, дедилар. У аёл Имом Ҳаммооддан саволига жавоб олди.

Шу воқеадан кейин, Имоми Аъзам Имом Ҳаммооднинг дарсларига кириб ўтирдилар. Имом Ҳаммоод ҳазратлари нима деса, Имоми Аъзам жону дил ила ёдлаб олардилар.

Имом Ҳаммоод дарсларда Имоми Аъзамни ўн йил рўпараларига ўтирғизди. Охири, улуг имом жамоанинг қориси (дарсни ўқиб берувчи) бўлдилар. Гоҳо Имоми Аъзамнинг нафслари алоҳида дарс ва таълим беришга, диний масалалар юзасидан келадиган саволларга жавоб беришга ундарди. Шу ишни мақсад қилиб тур-

ганларида, бир қариндошларининг вафоти хабари келди. Марҳумнинг Имоми Аъзамдан ўзга меросхўри йўқ эди. Ночор сафар қилишларига тўғри келди. Бир шерикларини ўрниларига қўйиб, устозлари Имом Ҳаммодининг дарсларига икки ой қатнашмадилар. Борган ерларида одамлар олтмиш масалада савол сўрадилар. У масалаларни устозлари Имом Ҳаммодиндан эшитмаган эдилар. Шундай бўлса-да саволларнинг ҳаммасига жавоб бердилар.

Икки ойдан кейин келиб, ўша олтмиш савол-жавобни устозларига бирма-бир айтиб бердилар. Устозлари қирқ жавобни тўғри дедилар, аммо йигирма жавобни тўғри топмадилар. Шундан сўнг Имоми Аъзам: “Энди ўлгунча устозимдан ажрамайман, ўзим дарс тузмайман”, деб аҳд қилдилар.

Ҳазрат Имоми Аъзам бундай деганлар: “Ҳамма илмларда бир оз нуқсон топилади. Аммо фикҳ илмини қанча мулоҳаза қилсам ҳам, ўшанча лаззат билан ҳаловат топиб, унда ҳеч бир айб кўрмадим. Зеро, дунё ва охираат саодатига фикҳ илмини ўрганиш, билиш ва унга амал қилиш билан етишилар экан. Шунинг учун фақат фикҳ билан шуғулландим”.

Қуръонни ёд олган, тажвид илмида моҳир эдилар. Имом Абу Юсуф: “Тафсир билан ҳадис илмида устозим Имоми Аъзамдан билимли кишини кўрмадим”, деганлар.

Васлий САМАРҚАНДИЙнинг

“Имоми Аъзамнинг ҳаёти ҳақида қимматли сўзлар” китобидан тайёрланди.



Меҳнат ҳақидан ушлаб қолиш тартиби

Савол: *Ҳисоб-китобдаги хатолар боис ортиқча тўланган пул хатога йўл қўйган ҳисобчидан ундириладими ёки ходимнинг ўзидан?*

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 164-моддаси 3-қисми талабига кўра: “...ҳисоб-китобдаги хатолар натижасида ортиқча тўланган маблағ” ходимнинг розилигидан қатъи назар, меҳнат ҳақидан ушлаб қолинади. Бунинг учун иш берувчи ҳақ тўлаш нотўғри ҳисобланган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмасдан қарзни меҳнат ҳақидан ушлаб қолиш тўғрисида фармойиш бериши керак. Агар ходим норозилик билдирса, маблағ суд орқали ундирилади.

Савол: *Яна қандай ҳолатларда ходимнинг розилигисиз меҳнат ҳақидан ушлаб қолиниши мумкин?*

Жавоб: Ўзбекистон Республикасида белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, суд қарорлари ва бошқа ижро ҳужжатларига асосан ундириладиган маблағлар, иш ҳақи ҳисобидан берилган аванслар, меҳнат интизомини бузганлик учун қўлланган жарималар ҳамда иш берувчига етказилган зарар (агар етказилган зарар миқдори ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақидан ортиқ бўлмаса) ходимнинг розилигисиз меҳнат ҳақидан ушлаб қолишга қонунда ҳеч қандай монелик йўқ.

Савол: *Меҳнат ҳақи юз фоиз ушлаб қолиниши мумкинми?*

Жавоб: Йўқ. Меҳнат ҳақи юз фоиз миқдорида ушлаб қолинишига йўл қўйилмайди. Иш ҳақини ҳар гал тўлаш вақтида ушлаб қолинадиган миқдор ходим маошининг эллик фоизидан кўп бўлмаслиги лозим.

Саволларга Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳуқуқшуноси
Икром МАРДОНОВ
жавоб берди.

Навоний асарларида Абу Бакр Сиддик (розияллоҳу анҳу) таърифи

Ҳазрат Навоний китоблари мумтоз анъанага мувофиқ Аллоҳга ҳамду сано, Пайғамбаримизга (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) салавот, тўрт улуғ саҳобага мақтов ва шу асар ёзилишига сабабчи бўлган зотларга тазкира, васф ва таъриф билан бошланади. Жумладан, “Лисонут тайр” достонидан Пайғамбаримизга (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) энг яқин саҳоба Абу Бакр Сиддик (Аллоҳ ундан рози бўлсин) таърифлари қуйидагича:

*Улки султони расулнинг ёридур,
Сониъи иснайн изҳумо филғоридур.*

Навоний ҳазратлари ушбу байтда “Савр ғори воқеаси” ни: “...икки кишининг бири сифатида (ватанидан) **чиқариб юборганларида, икковлари ғорда туриб...**” (Тавба, 40) оятидаги мазмундан келтирмоқдалар. Ҳижрий сананинг бошланиши ушбу тарихий ҳодиса билан боғлиқдир.

Алишер Навоний Аллоҳ розилиги йўлида чинакам дўстлар қандай бўлишини баён қилиш мақсадида, кейинги байтларда Савр ғори воқеасини тафсилотлари билан ёзади.

*Ғор аро Ёриға айлаб жон нисор,
Ёри онинг отин айлаб ёри ғор.*



Байтнинг мазмунида ҳазрат Абу Бакр Сиддик (Аллоҳ ундан рози бўлсин) Расулulloҳни (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) ғорда етиши мумкин бўлган барча хавф-хатардан асраш учун жонини тикишига шай тургани баёни келмоқда. Ҳикоятларда айтилишича, Расулulloҳ (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) бир оз дам олиш учун Абу Бакрнинг (Аллоҳ ундан рози бўлсин) оёқларига бошларини қўйиб, уйқуга кетадилар. Шу вақтда Абу Бакрнинг (Аллоҳ ундан рози бўлсин) оёғини илон чақади. Расулulloҳнинг (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) ширин уйқуларини бузмаслик учун Абу Бакр (Аллоҳ ундан рози бўлсин) оғриққа бардош беради. Лекин бир томчи ёши у кишига бўйсунмасдан кўзларидан сизиб чиқади-да, Пайғамбаримизнинг (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) муборак юзларига томади. Шунда Пайғамбаримиз (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) уйғониб: “Эй Абу Бакр, сизга нима бўлди?” деб сўрайдилар. Ҳазрат Абу Бакр (Аллоҳ ундан рози бўлсин): “Ё Расулulloҳ, ота-онам сизга фидо бўлсин, мени илон чақди”, деб жавоб беради. Пайғамбаримиз (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) жароҳат ерига муборак туфукларини суртиб қўйганларида, дўстлари оғриқдан халос бўлади. Мана шу иш сабаб Пайғамбаримиз (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) у кишига “Ғордаги дўстим” деб мурожаат қиладилар.

Қуйидаги байтлар орқали биз у Зотга дўстларининг муҳаббати абадий экани, ҳаёт чоғларида қандай садоқатли бўлсалар, вафотларидан сўнг ҳам дин, имон ҳамда дўстларига вафодорликда собит эканларининг гувоҳи бўлаемиз:

*Мустофодин сўнгра аҳли иртидод
Чун хилофатқа ул ўлди истинод:
Дин тариқида адоват тўздилар,
Ким ҳужум айлаб жадал кўргуздилар.
Бергали ислом рукниға халал*

Ким закот эрди
 аён айлаб жадал.
 Ул ғазаб айлаб бу навъ
 этти хитоб:
 Ким набий қонунидин
 бир ришта топ,
 Ўқсумак тағйир
 ила имкони йўқ.

У зотнинг (у зотга Аллоҳнинг саломни бўлсин) вафотларидан кейин Абу Бакр Сиддик (Аллоҳ ундан рои бўлсин) халифа бўлди. Шу вақт мусулмонлар ўртасида муртадлар ҳамда закот беришдан бош тортган кишилар пайдо бўлишди. Абу Бакр Сиддикқа (Аллоҳ ундан рои бўлсин), қай бир тоифа билан уруш қилинади, деб маслаҳат солинганида: “Аллоҳга қасам, агар Расулulloҳга (у зотга Аллоҳнинг саломни бўлсин) бериб турган бир улоқчани бермай қўйса, сўнгра улар билан дову дарахт, тоғу тош ва инсу жин келса ҳам, руҳим Аллоҳга эришгунча, курашаман”, деб закотдан бош тортган кишиларга биринчи бўлиб қарши чиқади.

Навоий ҳазрат Пайғамбаримиз (у зотга Аллоҳнинг саломни бўлсин) ҳамда у Зотнинг дўстлари мисолида чин дўст қанақа бўлиши лозимлигини, бу дўстлик қуруқ ваъдаларга эмас, балки ўзаро ишонч, мустаҳкам имон-эътиқод, ҳатто гоҳида жонфидоликни ҳам талаб қилишини кўрсатиб бермоқдалар.

Ўқувчи ҳазрат Алишер Навоий асарларида Пайғамбар ва чаҳорёрларининг ёрқин сийратларини кўради, бу сиймолар ҳаётидан ибрат ва тарбия олади.

Обидхон ИКРОМОВ,
 Наманган шаҳар
 “Мулла Қирғиз” Ислом
 ўрта махсус билим юрти ўқитувчиси

Одамнинг захри

“Мусулмон тилидан ва қўлидан (бошқа) мусулмонларга зарари тегмаган кишидир”.
 Ҳадис

Жанжаллашиб турган кишиларни кўрсак, дилимизда оғриқ туради, ич-ичимизда улардан норозилик ҳисси пайдо бўлади. Ҳар қандай масалани босиқлик билан ҳал қилиш мумкин-ку, деб ўйлаймиз. Аммо қайсидир сабабдан ким биландир келишолмай қолсак, ўзгаларга осонгина тавсия қилганимиз босиқликни унутиб қўйиб, овозимиз кўтарила бошлаганини сезмай қоламиз. Ўша лаҳзаларда ўзимизни ҳақ деб билган ҳолда, жаҳлдан тушгач қилмишимиздан пушаймон еймиз. “Тортишиб нимага эришдим? Қизишмасдан битта сўздан қолганим яхшимасмиди? Арзимаган нарсани деб шунча асаббузарлик қилдикми?” деган афсус-надомат кечикиб қалб эшигимизни қоқади. Аммо... фурсат ўтган.

Муборак ҳадисларни шиор қилиб яшаган аждодларимизнинг жуда кўп ўгиту панд-насихатлари бор. Ўқиганингиз ва ё эслаганингиз сари ўтмишда айтилган ҳикматли гаплар бугунги ҳаётимизга жуда-жуда мос келишига амин бўлаверасиз. Ажойиб нақл бор: “Яхши гап билан илон инидан чиқади...” Акси бўлганида-чи? Оталаримиз бу хавфдан ҳам бизни огоҳ этишни унутишмаган: “...пичоқ кинидан...”, “...мусулмон динидан...”

Бизни бошқа яратиклардан ажратиб турадиган унсурнинг бири ақл бўлса, иккинчиси тилдир. Ҳазрат Навоий таъбири билан айтсак:

*Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,
 Билки, гуҳари шарифроқ йўқ ондин.*

Сўзлай билиш буюк неъматлардан. Эзгуликка хизмат қилсагина, албатта. Назаримда, сўз ҳам олмосга ўхшайди; яхшиликка ишлатсанг – кўзларни қувнатиб, қалбларни ёриштиради, эҳтиётсизлик қилсанг – кесади.

Донишманддан “Қайси захар кучли?” дея сўралганида “Одамнинг захри”, деб жавоб берган экан. Қиличдан етган жароҳат тез битиб, тил яраласа, йиллар ўтиб ҳам битмаслиги шундандир балки...


Доимо хушфееъ, яхши муомалали бўлайлик. То, пичоқ қинида, мусулмон динида қолсин-да, илонлар инидан чиқсин.

Хуллас, ушбу муборак ҳадисга биноан яшай билсак, дунёю охират саодатини топамиз.

Гулбаҳор

ИСЛОМ ВА ОЛАМ

ФОРС КЎРФАЗИ САЙЁХЛАРИ



“Ал-Арабия” ахборот агентлиги хабар беришича, ўтган мавсумда Швейцарияни зиёрат қилувчи сайёҳларнинг энг кўпини Форс кўрфази мамлакатларининг фуқаролари ташкил қилади. Охириги

йилларда бу ерга сайёҳларнинг келиши ўттиз бир фоизга кўпайган. Аксарияти Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Қатар давлатлари фуқароларидир. Шу боис ҳам ушбу юрт вакиллари учун алоҳида чегирмалар берилди. Шунингдек, мамлакатнинг қирқдан ортиқ сайёҳлик ширкати янада кўпроқ мижозларни жалб қилиш мақсадида Форс кўрфазидаги давлатларда тарғибот-ташвиқот ишларини жадаллаштирмоқдалар.

ШВЕЙЦАРИЯДАГИ ЭНГ КАТТА МАСЖИД



Швейцарияда янги масжид қурилишига киришилди. Мазкур муҳташам иншоот уч қаватли бўлиб, атрофида яна бошқа бинолар – анжуманлар зали, дўконлар ва катта боғ барпо қилиш

кўзда тутилган. Швейцария Ислом кенгаши ушбу қурилиш учун тахминан 21 миллион доллар сарф бўлишини маълум қилди. Кенгаш президенти Николас Бланчонинг сўзига қараганда, қурилиш ишлари асосан ҳашар йўли билан амалга оширилади. Шунингдек, бу хайрли ишга Форс кўрфази давлатлари сармоядорлари ва бир неча саховатпеша инсонлар ҳам жалб қилинади.

НАВБАТДАГИ МАЖЛИС

Қоҳира шаҳрида Ислом Ҳамкорлик Ташкилотининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Тадбирда ташкилотга аъзо эллик етти давлатдан йигирма олтитасининг раҳбарлари

иштирок этди. Анжуманда асосий эътибор бузғунчиликка қарши кураш, таълим соҳасини ривожлантириш ва Сурия халқига ёрдам бериш масалалари муҳокама этилди. Йиғинда бир қатор давлат арбоблари сўзга чиқиб, ўз фикр ва мулоҳазаларини билдиришди. Жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг хавфсизлик кенгашига кириш таклиф этилди. Ташкилот раҳбари Акмалиддин Эҳсонўғли бу қарор анжуманда кўтарилган муаммоларни ҳал қилишда муҳим омил бўлишини таъкидлади.

ЭНГ КАТТА ҚУРЪОН



Афғонистонда Қуръони каримнинг дунёдаги энг катта қўлёзма нусхаси тақдимоти бўлиб ўтди. Қўлёзманинг бўйи 228, эни 155 сантиметр бўлиб, 218 саҳифадан иборат. Ҳаким Носир


Хусрав Балхий бошлиқ хаттотлар гуруҳи 2006 йилдан бошлаб, етти йил мобайнида ана шу савобли ишни амалга оширдилар. Қуръони каримнинг ҳар бир пораси ўзгача услуб ва кўринишда кўчирилган.

ЧИКАГО МУСУЛМОНЛАР УЮШМАСИ



Американинг Чикаго шаҳридаги “Имон” мусулмонлар уюшмаси ҳар йили эрта баҳорда турли хайрия тадбирларини ўтказиши. Бу йил ҳам кам таъминланган оилалар учун моддий ва маънавий ёрдам бериш мақсадида махсус шифохона барпо қилинди. Ҳозир касалхона шифокорлари тўрт юз минг нафар мусулмонларни муолажа қилиб, уларнинг дардларига малҳам бўлишяпти. Уюшма келгусида имкониятларини кенгайтириб, мусулмонлар учун турли маиший хизматларни ташкил қилиш ниятида.

ҲАЖ ҲАҚИДАГИ ФИЛМ



Ушбу бадиий филм “Абу, одам ўғли” деб номланди. Ҳинд кино-ижодкорлари суратга олган филм ҳаж қилишни орзу қилиб, бунга ҳалол меҳнат эвазига эришган ва Ислом дини асл моҳиятини тушуниб етган солиҳ киши ҳақидадир. Ҳиндистонда бўлиб ўтган 42-халқаро кинофестивалда филм энг юқори ўринни эгаллади. Яъни, “Энг яхши филм”, “Энг моҳир актёр”, “Операторлик маҳорати” ва “Энг яхши мусиқали фон” йўналишларида ғолиблик шу филм ижодкорларига насиб этди.

САКХАР ЙИҒИНИ



Баҳрайн қироли Хамад ибн Исо ташаббуси билан Сакхар шаҳрида “Тинчлик – бебаҳо бойлик” мавзуда илмий-амалий анжуман ўтказилди. Тадбирда бир қатор дин арбоблари, дипломатик корпус ва халқаро ташкилот вакиллари иштирок этишди. Давлат раҳбари миллат ва дин вакиллари билан ўзаро ҳамдўстлиги мамлакатдаги барқарорликнинг асосий омили эканини таъкидлади. Қайси фирқа ва мазҳабга эътиқод қилишдан қатъи назар, инсон фақат эзгу амал қилиши кераклигини қайд этди.

КУТУБХОНА ОЧИЛИШИ



Канада Ислом ташкилоти мамлакатда исломий кутубхонани барпо этди. Кутубхонада Қуръони карим, ҳадис тўпламлари, тафсирилар, фикҳ ва бошқа мавзудаги китоблар жуда кўп. Бу ерга хоҳлаган киши кириб, бепул фойдаланиши мумкин. Келажакда кутубхона қошида ўқув курслари ташкил этиш ҳам режалаштирилган.

ЯНГИ МУФТИЙ САЙЛАНДИ



Шавқий Иброҳим Абдукарим Миср Араб Республикасининг янги муфтийи этиб сайланди. У мамлакат тарихидаги ўн тўққизинчи муфтий бўлди. Очиқ сайловда “Ал-Азҳар” университети шайхлари заковат, ташкилотчилик, оғир-босиқлик каби фазилатлари учун унга овоз беришди. Шавқий Иброҳим олдинги муфтий Али Жума қолдирган маънавий меросни сақлаб қолиш ва халқ фаровонлиги йўлида астойдил хизмат қилишга ваъда берди.

МУСУЛМОНЛАР СОНИ ОРТМОҚДА



Белгия пойтахти Брюссел Оврупадаги энг кўп мусулмонлар яшайдиган шаҳарга айланди. Шаҳар аҳолисининг тўртдан бир қисми, яъни уч юз мингдан ортиғи Ислом динига эътиқод қилувчилардир. Мутахассисларнинг фикрича, мамлакатда мусулмонлар орасида туғилиш тобора ўсиб бормоқда.

ШОИРЛАР ТАНЛОВИ



Озарбайжонда Пайгамбаримиз Муҳаммадга (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлади) бағишланган шеърӣ тўпламлар танлови ўтказилади. Тадбир Кавказ мусулмонлари идораси, мамлакат ёзувчилари уюшмаси ва халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди. Биринчи ўринга лойиқ топилган асар муаллифи беш минг, иккинчи иккита ўрин эгаларига икки минг ва учинчи ўринни эгаллаган уч нафар шоирга эса минг доллар миқдорида мукофот берилади. Бундан ташқари, яхши қатнашган яна беш нафар қаламкаш мақтов ёрлиғи ва беш юз доллардан ҳадя олади. Танловга тақдим этилган шеърӣ асарлар аввал чоп этилмаган бўлиши шарт.

ОРОЛДА МАСЖИД БАРПО ЭТИЛАДИ



Италиядаги жоме масжидлар сони яна биттага ортадиган бўлди. Яқинда Сицилия оролининг Салеми шаҳридаги “Рабато” мавзесида янги масжид қурилиши учун жой ажратилди. Бу хабарни мамлакатда истиқомат қилаётган бир миллион икки юз минг нафар мусулмон чексиз қувонч билан қарши олдилар.

КУТИЛМАГАН ТАШАБУС



АҚШнинг Индиана штатидаги Эвансвилл университетининг мусулмон талабалари ноанъанавий ишни амалга оширишди. Улар бошқа динга эътиқод қилувчи талабаларга гул тарқатиб чиқишди. “Биз турли конфессия вакиллари билан тинчлик ва эзгулик тилида мулоқот қилишга уриняпмиз. Ислom – тинчлик ва меҳр-муҳаббат дини эканини барча билсин”, дейди талаба Мустафо Алиҳожиди. Университет маъмурияти бу ташаббусни маъқуллади.

БРИТАНИЯДА ЯНГИ УЮШМА ТУЗИЛДИ



Гринфорд шаҳрида Муназа Заман бошчилигида “Бирлашган уммат” номли уюшма очилди. Янги уюшманинг асосий фаолияти кам таъминланган, ёш болали ва ёрдамга муҳтож мусулмон аёлларга ёрдам беришдан иборат. Уюшма ҳашар ёки хайрия сифатида йиғилган маблағни савоб ишларга сарф қилиш истагидадир.

ТИЖОРATДА БАРАКА БОР

Мутахассислар валюта захираси бўйича дунёдаги энг илғор мамлакатларни аниқлашди. Хитой ва Япониядан кейинги учинчи ўринни олти юз саксон уч миллиард икки юз милли-

он доллар захираси билан Саудия Арабистони эгаллади. Швейцария ва Бразилиядан сўнг Қувайт, Бирлашган Араб Амирликлари, Қатар ва Баҳрайн каби араб мамлакатлари ўрин олди. Жаҳон халқаро валюта жамғармаси раҳбарияти бу кўрсаткич фақатгина мамлакатларнинг ўзидаги табиий қазилмалар эвазига эмас, балки савдосотиқ соҳасида ҳам етакчи ўринларни забт этганларидан далолат беришини қайд этишмоқда.

МАЛАЙЗИЯДА КЎРГАЗМА ЎТКАЗИЛАДИ



Шу йил март-сентябр ойларида Малайзиянинг Тренгану штатида Ислom осори-атиқалари, буюмлари кўргазмаси бўлиб ўтади. Унда бир қанча мамлакатлардан келтирилган ноёб ашёлар намойиш этилади. Хусусан, Усмонлилар даврида кўчирилган Қуръони карим ҳам кўргазмага қўйилади. Тилла суви юритилган бу ноёб қўлёзма “насх” хатида кўчирилган. Ушбу китоб Хитойнинг Мин сулоласи хазинасида сақланган.

ҚУРЪОННИНГ УКРАИНЧА ШАРҲИ




Мадина шаҳридаги Қирол Фаҳд номидаги марказда Қуръони каримнинг украин тилидаги шарҳи босилиб чиқди. Шарҳни Украинанинг Острожск академияси ўқитувчиси, тарих фанлари номзоди Михаил Якубович тайёрлаган. Китоб тўққиз юз тўқсон уч бетдан иборат. Ҳар бир оятга хохолча шарҳ берилган.

ИТБ РАҲБАРЛАРИ МАЖЛИСИ

Жидда шаҳрида Ислom Тараққиёт Банкнинг директорлар кенгаши мажлиси ўтказилди. Кенгайтирилган йиғилишда ИТБ йиллик ҳисоботи, фаолият мобайнида эришган ютуқ ва камчиликлар муҳокама қилинди.

Интернет материаллари асосида
Азизхон ҲАКИМОВ
тайёрлади.



Инсон кўп сабаблар билан йиғлайди: оғриқдан, мусибатдан, севинчдан. Бу йиғилар нафсоний йиғилардир. Яна бир йиғи бор. Бу йиғи гуноҳларни эътироф этиб, гуноҳ боис тортилажак азоблардан қўрққан, тавба қилган кишининг йиғисидир.

Қуръони каримда ана шундай кўзёши тўккан мўминлар: **“Улар йиғлаган ҳолларида, юзлари билан йиқилурлар ва (Қуръон) уларнинг камтарликларини зиёда қилур”** (*Исро, 109*) деб мақталади.

Абу Ҳурайра (Аллоҳ ундан рози бўлсин) айтади: «Расулulloҳ (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин): “Сут кўкракка қайтиб кирмагунча, Аллоҳнинг (азобидан) қўрқиб йиғлаган кишига дўзах олови етмайди”, деб марҳамат қилганлар» (*Имом Насоий*). Аллоҳ таолонинг ҳисобсиз неъматлари учун шукр кўзёши тўкиш шарафли ишдир.

Ато ибн Абу Рабоҳ (Аллоҳ ундан рози бўлсин) айтади: «Мен ва Убайд ибн Умайр Ойша (Аллоҳ ундан рози бўлсин) ҳузурига кирдик. Умайр Ойшадан (Аллоҳ ундан рози бўлсин): “Расулulloҳда (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) кўрган энг ажабланарли нарса ҳақида гапириб беринг?” деб сўради.

Ҳазрат Ойша (Аллоҳ ундан рози бўлсин) йиғлаб, бундай деди: “Бир кеча Расулulloҳ (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин) намоз ўқиш учун туриб: “Эй Ойша, мени ҳоли қўй, Парвардигоримга ибодат қилай”, дедилар. Мен: “Аллоҳга қасам, ёнингизда бўлишни суяман. Сизни хурсанд қилган нарсани мен ҳам яхши кўраман”, дедим. У зот (у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин) туриб таҳорат олдилар ва намоз ўқий бошладилар. Намозда йиғлаганларидан этаклари ҳўл бўлди. Йиғлайверганларидан ерни ҳам ҳўл қилдилар. Ҳазрат Билол (Аллоҳ ундан рози бўлсин) намозга келганида, у зотни (у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин) бу ҳолатда кўриб: “Ё Расулulloҳ, йиғлаяпсизми? Ахир Аллоҳ таоло ўтган ва кейинги гуноҳларингизнинг бари ни мағфират қилган-ку?!” деди. Пайғамбаримиз (у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин): “Шукр қилувчи банда бўлмайинми?! Менга бу кеча бир неча оят нозил бўлди, уларни ўқиб, тафаккур қилмаган кишига вайл бўлсин”, деб ушбу оятларни ўқидилар: **«Осмонлар ва Ернинг яратилишида, тун ва куннинг ўрин алмашиб туришида ақл эгалари учун аломатлар бордир. Улар туриб ҳам, ўтириб ҳам,**

ётиб ҳам Аллоҳни зикр этадилар ва осмонлару Ернинг яратилиши ҳақида фикр юртадилар (ва дуо қиладилар): **“Эй Раббимиз! Бу (коинот) ни беҳуда яратмагансан. Сен (айблардан) пок Зотдирсан. Бас, бизни дўзах азобидан сақлагин!”** (*Оли Имрон, 190–191, Ибн Ҳиббон*)».

Қилинган хато ёки гуноҳлардан афсусланиб йиғлаш гуноҳлар кечирилишига сабаб бўлади. Уқба ибн Омир (Аллоҳ ундан рози бўлсин) айтади: «Мен Пайғамбаримиздан (у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин): “Ё Расулulloҳ, нажот нимада?” деб сўрадим. Расулulloҳ (у зотга Аллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин): “Тилингни сақла, уйинг сени сиғдирсин, хатоларингга йиғлагин!” деб марҳамат қилдилар (*Имом Термизий*)».

Ризқ танглиги ёки дунё иши учун йиғланмайди. Берувчи ҳам, олувчи ҳам Аллоҳ таолодир. Ўлганга ҳам фарёд қилиб йиғланмайди. Балки овоз чиқармасдан, ачиниш ва раҳмшафқат билан йиғлаш жоиз. Зеро, раҳм қилмаган шафқат кўрмайди (*Имом Бухорий*).

Охират азобидан қўрқиб, кўзёши тўкиши инсоннинг ўзи заиф эканини эътироф этиши, кибр ва ғурурдан халос бўлиши демақдир. Парвардигори жамолини кўриш истагида, гуноҳлардан тавба қилиб, азобидан қўрқиб тўкилган ёш ибодат саналиб, кишига шараф келтиради. Аксинча, ношукрлик қилиб, одамлардан нолиб, арзимас ишлар учун йиғлайвериш инсон соғлиғи, феъл-атвори ёмонлашуви ва гуноҳга сабаб бўлади.

Машраббону АКМАЛ қизи,
ТIIИ талабаси

Облоқул СУЮНОВ

Билсанг, бу қарилик ажиб аломат...

ҚАНОАТ ҚИЛ

Қолмай десанг шафоатдан,
Ҳазар қилгин хиёнатдан,
Қадринг ортар қаноатдан,
Қаноат қил, қаноат қил!

Шукр қил, ризқ-рўзинг бордир,
Ўғлинг бордир, қизинг бордир,
Бу дунёда изинг бордир,
Қаноат қил, қаноат қил!

Тонгда қилсанг тиловатлар,
Айтар бўлсанг салаватлар,
Элингга келмас офатлар,
Қаноат қил, қаноат қил!

Асраб еру осмонингни,
Худо берар хирмонингни,
Менга айтма армонингни,
Қаноат қил, қаноат қил!

Элу юртинг тинчдир бугун,
Хотиринг жам, бахтинг бутун,
Умрингни Ҳақ қилсин узун,
Қаноат қил, қаноат қил!

ЖАЙДАРИ НАСИҲАТ

Борлиқни синчиклаб кузатиб ўрган,
Бузганингни ўзинг тузатиб ўрган,
Дилингни обод тут, безатиб ўрган,
Ҳаётдан ҳамиша сабоқ ол, болам!

Отангдан ақлли бўлсанг, фикр қил,
Афлотун бўлсанг ҳам ўйлаб зикр қил,
Борига барака, мудом шукр қил,
Ҳаётдан ҳамиша сабоқ ол, болам!

Билсанг, бу қарилик ажиб аломат,
Бир умр яшамас одам саломат,
Ночор кунларимни қилма маломат,
Ҳаётдан ҳамиша сабоқ ол, болам!

Яккабоғ тумани

Абдуғаффор АШУРОВ

ИЛТИЖО

Худоё, қилмагил хор дунёю охиратда,
Хайрингга этмагил зор дунёю охиратда.

Соғ қил оёқ-қўлимни, йўқотмайин йўлимни,
Имонни айлагил ёр дунёю охиратда.

Йироқ айла хатарни, дариг тутма назарни,
Лутфингга қил сазовор дунёю охиратда.

Жавдиратма кўзимни, сарғайтирма юзимни,
Бахш айла лоларухсор дунёю охиратда.

Банд этма молу зарга, йўлиқтирма зарарга,
Ўзингдан узма зинҳор дунёю охиратда.

Гарчи бисёр гуноҳим, Ўзинг Саттор илоҳим,
Айбимни қилма ошкор дунёю охиратда.

Умидвор раҳматидан, бахраманд неъматидан,
Шукр айла, Абдуғаффор, дунёю охиратда.

Ургут тумани

Комил ота ҲАКИМОВ

ҚУШЛАР НОЛАСИ

Чумчуқ айтур: – Бурним пучук,
Буғдойни қилдим учук,
Дехқон қувалаб солди,
Қўндим шудгор ичинда.

Қалдирғоч дер: – Эй ғофил,
Не ётибсан яланғоч.
Уйғон, кўнгил кўзин оч,
Иш кўп сахар ичинда.

Қабутар дер: – Патим яхши,
Пат ичинда жоним бор.
Қарчиғай қуш қайрилса,
Юраклар зор ичинда.

Турна айтур: – Ишларман,
Ҳиндистонда қишларман.
Барча қушга бош бўлиб
Келдим баҳор ичинда.

Бедана дер: – Мен учдим,
Бориб тариққа тушдим.
Бемаҳал сайраб, қолдим
Қафасда – тўр ичинда.

Тошкент

Валихон тўра Унвоний



Валихон тўра Унвоний (1902–1962) ўтган аср ўрталаригача Наманганда яшаб ижод этган. Валихон тўра Унвоний ёзган муножот, мухаммас, мураббаъ ва марсияларда инсоф, адолат, поклик, ҳалоллик, камтарлик, меҳр-оқибат каби юксак фазилатлар улуғланади.

АЙЛАГИЛ, Ё РАБ

Солиб ишқинг ўтин, бағримни бирён айлагил, ё Раб,
Забоним вирдини¹ такрори Куръон айлагил, ё Раб,
Кўнгили маъвосига ёдингни меҳмон айлагил, ё Раб,
Хаёлингни кўнгили тахтига султон айлагил, ё Раб,
Муҳаббат дардини жонимга пинҳон айлагил, ё Раб.

Бу дунё мулку молини охири ҳечу ҳабо² эрмиш,
Ажаб ғаддордурким, шеваси жабру жафо эрмиш,
Онинг толибларин доим иши ранжу изо эрмиш,
Жаҳон раънолари чун бевафою бебаҳо эрмиш,
Мени ул бевафолардан ҳаросон³ айлагил, ё Раб.

Ҳама ишқу муҳаббат аҳлини ёру содиқим қил,
Ҳабибинг пайравида⁴ жодаи⁵ ислом тариқим қил,
Бериб зуҳду қаноат таъмини оби савиқим қил,
Ҳамиша ҳилм ила сабру тавозеъни рафиқим қил,
Ҳавою нафсу шайтонимни сарсон айлагил, ё Раб.

Иноят айласанг, бу дийдаи пурғафлат очилса,
Бу жоним бир неча кун танда меҳмон эрканин билса,
Гунаҳдин тавба айлаб, зуҳду тақво пешасин қилса,
Ажал етгач, малак амринг билан жон олғали келса,
Ўшал ҳолатда жон бермакни осон айлагил, ё Раб.

Дариғо, қилмадим иқдом⁶ ибодат, хайру эҳсонга,
Бўлиб эмди пушаймон, дил тўла афсус, армонга,
Етушса бир куни ногаҳ кетишни навбати жонга,
Қуюб жисмим, қуриб оғзим, кўзим термулса ҳар ёнга,
Карам дарёсидан бир қатра эҳсон айлагил, ё Раб.

Бу янглиғ кеча-кундуз журму исён кўйида юрсам,
Баҳоимдек⁷ ҳамиша еб-ичиб нафсим қувонтирсам,
На манда бандалик тоат-ибодатни қийин кўрсам,
Санга лойиқ амал қилмай омонат жонни топширсам,
Қиёмат кун менинг туҳфамни имон айлагил, ё Раб.
Туганса ризқу рўзим, кетса тандан қуввату тобим,
Надоматдан тўкилса икки кўздан ашки хунобим,

¹ Вирд – тинимсиз қайтариш.

² Ҳабо – зарра, заррача.

³ Ҳаросон – қўрққан, ваҳимага тушган.

⁴ Пайрав – эргашувчи, узидан борувчи.

⁵ Жода – йўл.

⁶ Иқдом – журъат.

⁷ Баҳоим – ҳайвонлар.

Лаҳад сориға юзлансам, кафандан бўлса асвобим⁸,
Қўйиб гўр ичра ёлғуз, қайтсалар асҳобу аҳбобим,
Гўр ичра ҳамдамимни ҳури ғилмон айлагил, ё Раб.

Агарчандики умрим ўтди фиску маъсиятларда,
Хаёлим кеча-кундуз мулку молу сийм ила зарда,
Эрурман осию шармандалар хайлига⁹ саркарда,
Мени осий кўтарсам бош лаҳаддан рўзи маҳшарда,
Муҳаммадни шафийи журми исён айлагил, ё Раб.

Лаҳаддин бош кўтариб арсаи¹⁰ маҳшар сари юрсам,
Ҳама қилғон ишимни номаи аъмолимда кўрсам,
Ҳижолатлар чекибон на қилурни билмайин турсам,
Кўриб лутфу карам Сандин агар жаннат аро кирсам,
Кўзим партави ҳуснингга ҳойрон айлагил, ё Раб.

Ёмон нафсимни ислоҳ қилмадим бир маърифат бирла,
Шарорат айладим жонимга зулму маъсият бирла,
Ўзинг сатр айлагил айбим ҳижоби маърифат бирла,
Дариғо, умрим ўткардим гуноҳу маъсият бирла,
Бу қилғон феъли зиштимдан¹¹ пушаймон айлагил, ё Раб.

Ўзинг тавфиқ худоти-ла¹² шиорим зуҳду тақво қил,
Дилим ойинасини занги қисватдин¹³ мусаффо қил,
Қулоғим яхши сўзлар тингламоққа соҳиби исфо¹⁴ қил,
Тилимни неъматни узмоларинг¹⁵ шукрига гўё қил,
Кўзимни охират хавфида гирён айлагил, ё Раб.

Харобдур ботиним, лекин қилибман зоҳирим тазйин,
Нечунким дилда кўпдир кизб ила бухлу нифоқ мандин,
Дилин дардига Унвоний шифо уммид этар Сандин,
Гирифтори мариши жаҳл эрмиш Файзий, эй мискин,
Ўзинг лутфинг била бу дардга дармон айлагил, ё Раб.

Нашрга

Муҳаммад ЖАББОРОВ

тайёрлади.

⁸ Асвоб – кийим.

⁹ Хайл – тўда, гуруҳ.

¹⁰ Арса – майдон.

¹¹ Зишт – кўримсиз, қўпол.

¹² Ҳуда – тўғри йўл.

¹³ Қисват – парда; кийим.

¹⁴ Исфо – тинглаувчи, эшитгувчи.

¹⁵ Узмо – энг улуғ, катта.

Ҳадисларнинг тўпланиши

Саҳобалар орасида ёзишни биладиганлари саноқли эди. Улар ҳадисларни ўрганишда эслаб қолиш қобилиятларига суюнишарди. Саҳобалар ҳадисларни Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўзларидан эшитиб, қилган ишларини кўриб ўрганишар ёки у зотдан эшитганлардан қабул қилишарди. Чунки улар ҳар доим ҳам Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мажлисларида иштирок эта олмасдилар.



Пайғамбаримизнинг (у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин) даврларида ҳадислар икки сабабга кўра Қуръон каби расмий ва тўлиқ ёзилмаган, тартибга солинмаган эди:

Биринчиси, Қуръонга аралашиб кетмаслиги учун. Абу Саид Худрийдан (у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин) ривоят қилинади: Пайғамбар (у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин) дедилар: “Мендан Қуръондан бошқа ҳеч нарса ёзиб олманглар. Ким мендан Қуръондан бошқа нарсани ёзиб олган бўлса, ўчириб ташласин” (*Имом Муслим ривояти*);

Иккинчиси, саҳобаларнинг эслаб қолиш қобилиятлари кучли, зеҳнлари ўткир бўлгани учун.

Шундай бўлса-да, баъзи саҳобалар Расулulloҳдан (у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин) эшитганларини ёзиб борганлар. Мисол учун, Абдуллоҳ ибн Амрнинг (у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин) саҳифаси бўлиб, уни “Ас-содиқа” деб атарди. Бу ҳақда Абу Ҳурайра (у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин) айтадилар: “Пайғамбарнинг (у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин) саҳобаларидан Абдуллоҳ ибн Амрдан бошқа ҳеч ким менчалик кўп ҳадис билмасди. У ёзар, мен эса, ёзмас эдим” (*Имом Бухорий ривояти*).

Шунингдек, Расулulloҳ (у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин) ўз замонларидаги подшоҳларга, Арабистондаги амирларга Исломга даъват қилиб ёзган хатлари, жойлардаги ҳокимларга туя ва қўйнинг закоти миқдорини белгилаб ёзиб берганлари, ҳазрат Алида (у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин) ҳам товон пули ҳукмлари ва бошқалар ёзилган саҳифа бўлгани маълум¹.

Юқоридаги ривоятлардан маълум бўлади, Расулulloҳ (у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин) умумий равишда ҳадисларни

¹ Ибн Абдулбар, “Жомеъу баёнил илм ва фазлиҳ”.

ёзишдан қайтарган бўлсалар-да, баъзи саҳобаларга рухсат берган эдилар.

Кўпчилик олимлар ҳадисларни тўплаб ёзишни биринчи бўлиб, Халифа Умар ибн Абдулазиз буйруғи билан, тобеин Ибн Шихоб Зухрий (вафоти 124 х.й.) амалга оширгангани таъкидлашади. У саҳобалардан эшитган барча ривоятларни мавзуларга ажратмасдан тўплаган. Бу тўпламга ҳадислар билан бирга саҳобаларнинг гаплари, тобеинларнинг фатволари ҳам кирган эди.

Шундан кейин ҳадисларни тўплаб ёзиш кенг миқёсда бошланди. Маккада Ибн Журайж (вафоти 150 х.й.), Мадинада Саид ибн Абу Аруба (вафоти 156 х.й.), Рабиъ ибн Субайх (вафоти 160 х.й.) ва Имом Молик (вафоти 179 х.й.), Шомда Авзой (вафоти 157 х.й.), Кўфада Суфён Саврий (вафоти 161 х.й.), Басрада Ҳаммод ибн Салама (вафоти 167 х.й.), Воситда Ҳушайм (вафоти 173 х.й.), Яманда Маъмар ибн Рошид (вафоти 154 х.й.), Райда Жарир ибн Абдулхамид (вафоти 188 х.й.), Хуросонда Абдуллоҳ ибн Муборак (вафоти 181 х.й.) ҳадисларни тўплаб китоб қилишди. Булар ҳам ўз китобларига Пайғамбар (у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин) ҳадислари, саҳобалар сўзлари ва тобеинлар фатволарини киритишди.

Ҳадисларни тўплаш тарихида “Олтин аср” бўлган III ҳижрий асрга келиб муснадлар² таълиф этиш бошланди. Абдуллоҳ ибн Мусо Абсий, Мусаддид Басрий, Асад ибн Мусо, Нуъайм

² Бир саҳобийнинг ривоятлари бир жойда тўпланган китоблар.

ибн Ҳаммод Ҳузобийларнинг муснадлари ана шу асрда таълиф этилган. Имом Аҳмад, Исҳоқ ибн Роҳвайх, Усмон ибн Абу Шайба ҳам шу йўлдан юриб, муснадлар таълиф қилишди. Улар **Пайғамбар** (у юзга Аллоҳнинг сазови бўлсин) ҳадисларига саҳоба ва тобеинлар гапларини аралаштирмаган бўлишса-да, саҳиҳни заифдан ажратишмаган эди.

Улардан кейин Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий (вафоти 256 х.й.) янгича бир йўналишни бошлаб берди. У киши фақат саҳиҳ ҳадисларни жамлаган машҳур “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ” китобини таълиф қилди. Ул жанобнинг шогирдлари Муслим ибн Ҳажжож (вафоти 261 х.й.) ҳам устозларига эргашди. Кейин Абу Довуд (вафоти 275 х.й.), Термизий (вафоти 279 х.й.), Насоий (вафоти 303 х.й.), Ибн Можаларнинг (вафоти 273 х.й.) сунан китоблари юзага келди.

Ҳижрий IV асрда, олдинги ишларга деярли янгилик қўшилмади. Будаврнинг машҳур муҳаддисларидан Сулаймон ибн Аҳмад Табароний (вафоти 360 х.й.), Дорқутний (вафоти 385 х.й.), Ибн Ҳиббон (вафоти 354 х.й.), Ибн Ҳузайма (вафоти 311 х.й.), Таҳовийларни (вафоти 321 х.й.) санаш мумкин.

Шу билан Расулulloҳ (у юзга Аллоҳнинг сазови бўлсин) ҳадислари тўплаб ёзиб бўлинди. Кейинги асрдаги китоблар мазкур китобларга шарҳ, қисқартма, улардан сайланма асарлар ҳисобланади.

Жамшид ШОДИЕВ
тайёрлади.

Оламгирнинг хайрли ишлари


Бобурийлар сулоласининг атоқли вакили, ўзининг адолатли сиёсати ва маърифатпарварлиги билан тарихда ёрқин из қолдирган Аврангзеб Оламгирнинг номи барчамизга яхши таниш. Аммо унинг сулола вакиллари орасида энг узоқ ҳукм сургани ва илму маърифатга ҳомийлик қилганини кўпчилик билмаслиги мумкин.

Доимо таҳоратли юрадиган, фарз намозларни масжидда, жамоат билан адо этадиган, суннат ва нафлларга ҳам катта аҳамият берадиган айрим хосиятли кунларда рўзани канда қилмайдиган Аврангзеб Оламгир исломий илмлар ривожига, ҳанафий мазҳабининг кенг тарқалишига бевосита бошқош бўлди. У барча мусулмонлар бирдамлиги учун жон куйдирарди. Бу улуг ишга хизмат қилувчи ягона қўлланманинг юзага келиши йўлида олимларга зарур бўлган барча шароитларни муҳайё қилди. Бу ғамхўрликнинг ажойиб самараси ўлароқ, ҳозиргача ҳам ҳанафий мазҳаби бўйича бутун дунё мусулмонлари учун қимматли манба “Фатовойи Оламгирия” (ёки “Фатовойи Ҳиндия”) китоби юзага келди.

“Мовароуннаҳр” нашриёти ушбу ҳукмдор фазилатлари ҳукм сурган йиллари ҳақида кўплаб қизиқарли маълумотларни тақдим қилувчи ажойиб асар – “Маъосири Оламгирия” (Оламгирнинг хайрли ишлари) китобини нашрдан чиқарди.

Асар муаллифи Муҳаммад Мустаъидхон Соқий Аврангзеб билан замондош, сарой тарихчиларидан бўлиб, ўзи келтирган воқеаларнинг кўпини шахсан кузатган, қолганларини эса, иштирок этган шахсларнинг сўзларидан ёзиб олган ва ишончли бўлиши учун бошқа иштирокчиларнинг ҳам тасдиғидан ўтказган.

Жаҳон тарихнавислигида Аврангзеб яшаган давр нисбатан кам ўрганилган. Шу боис Муҳаммад Мустаъидхон Соқий қаламига мансуб “Маъосири Оламгирия” асарининг илк бор ўзбек тилида таржима қилиниши, бобурийлар давлати, хусусан, Аврангзеб шахсияти, ҳаёти хусусидаги баъзи ихтилофларга ойдинлик киритиши билан ҳам жуда муҳимдир.



ОД ҚАВМИ

Аллоҳ таоло Нуҳнинг зурриётларига барака ато этгач, улар ер юзига тарқалишди. Уларнинг орасида “Од” деб аталувчи қавм бўлиб, эркаклари кучли ва забардаст эди. Жангда ҳар қандай кишини мағлуб эта олишар, ҳеч кимдан қўрқишмас, бошқалар улардан қўрқишарди. Аллоҳ Од қавмига барча неъматини баракали қилиб берди. Уларнинг водий тўла қўйлари, туя-отлари, катта-катта боғлари ва узумзорлари бўлиб, серфарзанд, сердавлат эди. Афсус, бу қавм Аллоҳнинг неъматларига шукр қилмади. Ота-боболаридан эшитган, ҳали ер юзидан асари кетмаган тўфон қиссасини унутишди. Нуҳ ^(у зотга Аллоҳнинг саломини бўлсин) давридагидек санамларга ибодат қилишга ўтишди. Тошлардан бут ясаб, сиғинадиган, уларга атаб қурбонликлар сўядиган бўлишди. Улар дунё учун ақлли, динда эса нодон кишилар эди.

Однинг куч-қуввати ўзига ҳам, бошқаларга ҳам бало бўлди. Чунки улар Аллоҳга ва охиратга имон келтирмадилар. Уларни зулмдан ва ёвузликдан тўхтата оладиган куч йўқ эди гўё. Ахир уларни ҳеч ким енголмасди. Ҳисоб-китоб кунига ишонмаган сабаб зулм ва залолатга берилишди. Улар ўрмон ваҳшийларига ўхшарди: каттаси кичикни, кучлиси заифни ер тишлатарди. Агар ғазабга минсалар, қутурган филдек йўлларида учраган ҳар қандай нарсани янчиб ташлардилар. Уруш пайтида тирик жонни битта қўймай қирар, қишлоқлар ва экинзонларни харобага айлантирардилар.

Од қавми фақат еб-ичиш, ўйин-кулги билан машғул бўларди. Улар катта-катта қасрлар, кенг уйлар қуриш билан мусобақалашарди. Бирор бўш ерни кўриб қолгудек бўлсалар унга албатта баланд қаср қуриб олардилар. Уйларини унда абадий яшайдигандек, ҳеч ўлмайдигандай ҳашаматли қилиб қурадилар. Одамлар ичишга, ейишга ва кийишга нарса тополмаган бир вақтда Од қавми тинимсиз харж ва исроф билан шуғулланар, камбағаллари яшашга уй-жой тополмаган бир пайтда бойларининг уйида яшашга одам топилмасди.

Албатта, Аллоҳ таоло куфр ва бузғунчиликни ёқтирмайди. Аллоҳ таоло уларни ҳидоят қиладиган, ўзларидан бўлган, улар танийдиган, сўзини тушунадиган кишини элчи қилиб юборишни ирода этди. Ўша элчи Худ ^(у зотга Аллоҳнинг саломини бўлсин) бўлиб, нуфузли оилада туғилди ва яхши тарбия кўриб, вояга етди.

Худ ^(у зотга Аллоҳнинг саломини бўлсин) қавмининг ҳузурига бориб бундай деди: **“Эй қавмим! Аллоҳга сиғинингиз! Сизларга Ундан ўзга илоҳ йўқдир! Сизлар**

(сохта илоҳларни) **фақат ўзларингиз тўқиб олувчисиз”** (Худ, 50). Эй қавмим, қандай қилиб сизларни яратган Зотга эмас, тошларга ибодат қиласизлар?! Ахир Аллоҳ сизларни яратиб, ризқ берди. Молларингизга, болаларингизга, экин ва наслингизга барака улашди. Сизларни Нуҳ қавмига ўринбосар қилиб, жисмингизга қувват ато этди.

Бу неъматнинг ҳақи санамларни тарк этиб, ёлғиз Аллоҳга тоат-ибодат қилиш эди. Итга суюк ташласангиз, уйингиздан узоқлашмайди, ортингиздан соядек эргашади. Эгасини ташлаб, бошқанинг кетидан кетган бирон-бир итни ёки тошга ибодат қилаётган бирон-бир ҳайвонни кўрганмисиз? Ахир инсон ҳайвондан кўра ақллироқ эмасми?» Қавм Худнинг ^(у зотга Аллоҳнинг саломини бўлсин) сўзларига эътибор бермади. Бу гаплардан юраклари сиқилди, бир-бирларига пичинг қилиб: “Худ ўзи нима деяпти? Нима истайди? Гапига тушунмаяпмиз!” дедилар. Баъзилари бунга жавобан: “Эсипаст ёки жинни бўлиб қолган кўринади”, дедилар.

Худ ^(у зотга Аллоҳнинг саломини бўлсин) уларни бошқа сафар яна яхшиликка чақирганида: **«Қавмнинг кофир бўлган зодагонлари айтдилар: “Биз сени нодонликда (эканингни) кўряпмиз. Биз сени ёлғончиларданмикан деб гумон қиляпмиз”. (У) айтди: “Эй қавмим! Менда нодонлик йўқ. Лекин мен оламлар Раббисидан (юборилган) элчидирман. Сизларга Раббимнинг топшириқларини етказяпман ва мен сизларга ишончли насихатгўйдирман”»** (Аъроф, 66–68).

Худ ^(у зотга Аллоҳнинг саломини бўлсин) қавмига насихат қилишдан тўхтамади: “Эй қавмим, мен сизларнинг кеча-

ги биродарингиз ва дўстингизман-ку! Мени таниапсизларми? Эй қавмим, нима учун мендан қўрқиб қочапсизлар. **“Мен бу** (даъватим) **учун сизлардан мукофот сўрамайман. Менинг мукофотим фақат оламларнинг Парвардигори зиммасидадир”** (Шуаро, 127). Эй қавмим, Аллоҳга имон келтиришдан нега қўрқасиз, Аллоҳга қасам, агар Унга имон келтирсангиз, молингиздан ҳеч бирини йўқотмайсиз. Аксинча, ризқингизга янада барака ато этилади. Эй қавмим, нима учун сўзларимга ҳайрон бўласиз?! Ахир Аллоҳ таоло одамларга бирма-бир сўзламайди. Балки



ҳар бир қавмга ўзларидан бўлган сўзловчи ва насихат қилувчи кишини юборади. **“Сизларни огоҳлантириш учун ўзларингиздан (бўлмиш) бир киши зиммасида сизларга Раббингиздан эслатма келганидан ажабланияпсизми?!..”** (Аъроф, 69) ».

Од қавми кибрга берилди. Жаҳолатга ботганидан: “Илоҳларимиз сендан ғазабландилар. Ақлингга касалик етибди! Балого йўлиқибсан”, дедилар. Ҳуд (у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин) уларга бундай жавоб берди: **«“Мен Аллоҳни гувоҳ қиламан ва сизлар ҳам гувоҳ бўлингизки, мен сизлар келтираётган ширқдан безорман”** (Ҳуд, 54). Шунингдек, мен сизлардан ҳам қўрқмайман. **“Бас, энди ҳаммангиз менга макр қилаверинг, сўнгра менга (уни) кечиктириб ўтирмангиз!”** (Ҳуд, 55). Барча нарса Унинг қудрати остидадир. Бирон бир япроқ унинг изнисиз узилмайди».

Бироқ қавм барибир имонга келмади. “Эй Ҳуд, сенинг ҳеч қандай хужжатинг йўқ! Янги сўзингни деб эски илоҳларимизни тарк қилмаймиз. Ҳеч қачон, ҳеч қачон! Сен бизнинг санамларимизга имон келтирмас, улардан қўрқмас экансан. Биз

ҳам сенинг Илоҳингга имон келтирмаймиз ва азобидан ҳам қўрқмаймиз. Азоб ҳақида қўп гапирдинг, роса эшитдик. Лекин қани у? У қачон келади?!” деб жар солишди. Ҳуд (у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин) эса: **“...билим, албатта, Аллоҳнинг ҳузурисидадир. Мен фақат аниқ огоҳлантирувчидирман”**, (Мулк, 26) деди. Од қавмидагилар: “Биз сен айтган азобни интизорлик билан кутамиз ва уни кўришга ошиқамиз”, дедилар мазах оҳангида. Ҳуд (у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин) уларга келадиган балоларни ўйлаб, қўрқди, эсипастликларидан афсус чекди.

Од қавми ҳар куни ёмғирни интиқ кутар, осмонга термуларди. Лекин унда биронта булут кўринмасди. Уларга ёмғир жуда керак эди. Бир куни ўзлари томон келаётган бир парча булутга кўзлари тушди. Жуда хурсанд бўлишди ва: “Бу ёмғир булуту! Бу ёмғир булуту!” деб қичқиришди. Ҳуд (у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин) келаётган булут азоб эканини тушунди ва уларга: “Бу раҳмат булуту эмас. Балки, аламли азобга эга шамолдир”, деб огоҳлантирди.

Ҳуд (у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин) айтганидек бўлди. Шамол кутурганидан кутурди. Одамлар бундай шамолни ҳали кўрмаган ва эшитмаган эдилар. Бўрон дарахтларни қўпориб ташлар, уйларни бузар, чорва молларни учуриб, узоқ жойларга улоқтириб юборарди. Саҳродаги қумлар қуюнга айланди, дунёни зулмат қоплади. Юраги ёрилаётган одамлар уйларига кириб, эшикларни занжирлаб беркитдилар. Болалар оналарини, одамлар деворларни қучоқлаб олдилар. Болалар йиғлар, аёллар қичқирар, эркаклар эса дод солиб, ёрдам сўрашарди. Гўё кимдир: **“Бугун У раҳм қилганлардан бошқасига Аллоҳнинг амридан сақлаб қолувчи (ҳеч қандай куч) йўқдир”** (Ҳуд, 43) деяётгандай эди.

Бўрон етти кеча ва саккиз кун давом этди. Од қавми битта қолмай қирилиб битди. Жуда аянчли манзара бўлди. Ўлик одамларни қушлар еб, хароб уйларга бойўғлилар ин қуриб олди.

Ҳуд ва мўминлар имони туфайли омон қолди. Од қавми куфри ва қайсарлиги сабабидан ҳалок бўлди.

“Уларга ушбу дунёда ҳам, қиёмат кунисида ҳам лаънат етиб турур. Огоҳ бўлинг, албатта, Од (қабиласи) Парвардигорларини инкор этган эдилар. Огоҳ бўлинг, Ҳуднинг қавми – Од (қабиласи)га ҳалокат муқаррардир!” (Ҳуд, 60).

Абулҳасан Надавийнинг
“Пайғамбарлар қиссалари” асосида
Юлдуз КОМИЛ
тайёрлади.

Тўлиқ исми: Баҳоуддин Абдуллоҳ ибн Абдурраҳмон ибн Абдуллоҳ ибн Ақил. Асли ҳамадонлик. Машҳур наҳв уламоларидан.

Ибн Ақил



Салоҳиддин Сафдий ^(Аллоҳнинг раҳмати бўлсин) айтади: “Ибн Ақил ҳижрий олти юз тўқсон саккизинчи йили муҳаррам ойида, жума куни Қоҳирада туғилган”. Бўлғуси олим ёшлигиданоқ илмга чанқоқ бўлиб, бир нечта мутафаккирлардан илм олди. Устози Абу Ҳайён ^(Аллоҳнинг раҳмати бўлсин) шогирдининг араб тилини мукаммал ўзлаштиргани ҳақида: “Ёр юзида наҳв илми бўйича Ибн Ақилдан кўра кучлироқ олим йўқ”, дея эътироф этган. Шунингдек, у Тақийюс Соиғдан ^(Аллоҳнинг раҳмати бўлсин) етти хил қироатни, Зайнул Қаттонийдан ^(Аллоҳнинг раҳмати бўлсин) фикҳ илмини ўрганadi. Аъло Қунавийдан ^(Аллоҳнинг раҳмати бўлсин) фикҳ, усул, хилоф илми, араб тили, балоғат, тафсир ва аруз илмларини ўрганadi. Кейинчалик Жалол Қазвиний, Ҳасан ибн Умар ибн Умар Курдий, Муҳиб ибн Соъид, Умар ибн Шаҳна, Ҳажжор, Шараф ибн Собуний, Абулҳасан ибн Умар Воний ^(Аллоҳ раҳмати бўлсин) ва бошқалардан илм олади.

Ибн Ақил ^(Аллоҳнинг раҳмати бўлсин) шайхулисом Сирожиддин Балқинийдан ^(Аллоҳнинг раҳмати бўлсин) ҳам дарс олиб, унинг қизига уйланади. Жалолиддин ва Бадриддин исмли фарзандлар кўради.

Ибн Ақил Ҳусайнияда Ҳаким Қазвинийга, Қоҳирада эса Иззуддин ибн Жамоага ^(Аллоҳнинг раҳмати бўлсин) ҳукмлар чиқаришда ноиблик қилади. Сўнгра у Қутайбия, Ҳашшобия, Носирия шаҳарларидаги жомеларда дарс

Молик”; “Муҳтасар шарҳул кабир”; “Жомеъун-нафис фил фикҳ”; “Ал-Мусаъид фи шарҳит тасхил”; “Тайсирул истиъдад лирутбатил-ижтиҳад”; “Жомеъ лил хилаф вал-авҳамил-вақиъати лин-Нававий ва ибн

Рифъа ва ғойриҳима”; “Таълиқул важизуъбалал китабил азиз” шулар жумласига киради.

Ибн Ақил ^(Аллоҳнинг раҳмати бўлсин) ҳижратнинг етти юз олтмиш тўққизинчи йили робиул аввалнинг ўн учинчи, пайшанба куни Қоҳира шаҳрида

вафот этди. Муҳаммад ибн Идрис Шофиъийнинг ^(Аллоҳнинг раҳмати бўлсин) қабри ёнига дафн қилинган.

Ибн Ҳажар Асқалоний ва Суютий асарларидан
Лола МАҲМУДОВА
тайёрлади.

ЖАЛОЛИДДИН ИСНАВИЙ “ТАБАҚОТ”ИДА БУНДАЙ ДЕЙДИ: “ИБН АҚИЛ ЕТТИ ҚИРОАТ СОҲИБИ, АРАБ ТИЛИ ВА БАЁН ИЛМИДА ИМОМ, УСУЛ ВА ФИҚҲ БИЛИМДОНИДИР. У КАМХАРЖ, ОЛИЙ ХУЛҚЛИ, САХИЙ, ҲЕЧ КИМДАН ШУБҲАЛАНМАЙДИГАН ОЛИМДИР”.

беради. Устози Абу Ҳайёндан ^(Аллоҳнинг раҳмати бўлсин) кейин Тулуния жомеида тафсирдан дарс беради.

Ибн Ақил ^(Аллоҳнинг раҳмати бўлсин) бир неча асарлар ёзган. Улардан: “Шарҳ ибн Ақил ғала алфийяти Ибн



Самарқанд фақиҳлари

АБУ МАНСУР МОТУРИДИЙ

IX–X асрда Самарқанднинг Мотурид қишлоғида туғилиб, юксак мутакаллим ва мутафаккир, йирик фақиҳ ва атоқли олим даражасига кўтарилган. Абу Мансур Муҳаммадибн Муҳаммад ибн Маҳмуд Мотуридий ўзига хос калом мактабига асос солиб, ҳанафий мазҳабининг байроғини баланд кўтарди ва унинг ғоявий пойдеворини мустаҳкамлаб, аҳли сунна вал жамоа эътиқодини қатъийлик билан ҳимоя қилди, мўътазила, исмоилия, қарматия ва ботиния фирқалари томонидан тарқатган ақидавий тушунчаларнинг асоссизлигини исботлаб берди.

Абу Мансур Мотуридий кенгроқ илмий дунёқараш ва тушунчаларга эга бўлганлиги сабабли, тушуниш ва маърифат қуйидаги уч йўлдан ҳосил бўлади, деб ишонади: 1. Ҳис ёки сезги аъзолари орқали. 2. Нақл ва ривоят орқали. 3. Ақл ва идрок орқали.

Абу Мансур Мотуридий аҳли сунна вал жамоа таъвилини ривожлантирди ва бу соҳада кўп жыллик «Таъвилоту аҳли сунна» номли Қуръон тафсирини ёзди. Аввалидан охиригача мўътазилийлар ва ботинийлар томонидан Қуръон оятларига қилинган ўринсиз таъвилларни рад қилиш, илмий, фалсафий ва нақлий далиллар билан уларнинг нотўғрилигини кўрсатиб берувчи бу тафсир муҳим бир илмий асардир. Бу китоб-

ни Алоуддин Самарқандий «Шарҳу таъвилотил Қуръон» номи билан шарҳлаган. Ундан айрим қўлёзма нусхалар Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида Р.3155, 3249 рақамларда ва «Таъвилотул Қуръон»нинг нусхалари Р.5126, 5127 рақамларда мавжуд.

Буюк имом кўп сонли илмий мерос қолдирди. Унинг энг муҳим асарлари: «*Китобу маъхазии шаръ*» ё «*Маохизуи шаръ*» (Шариат манбаи ё манбалари), «*Китобул жадал*» (Мунозара китоби), «*Таъвилотул Қуръон*» ёки «*Таъвилоту аҳли сунна*» (Қуръон таъвилига доир китоб, Қуръон тафсири), «*Китобур рад алаал Қаромита*» (Қарматийларга раддия китоб), «*Китобу радди авоилил адилла лил Каъбий*» (Каъбийнинг бошланғич далилларини рад қилишга бағишланган китоб), «*Китобубаёни ваҳмил мўътазила*» (Мўътазила ваҳм ва гумонларининг баёни), «*Рисолотут тавҳид*» (Тавҳид бўйича рисоалар), «*Китобул усул*», «*Китобул мақолот фи усулид дин*» (Дин асослари бўйича мақолалар), «*Шарҳу китобил Фикҳил акбар*» (Абу Ҳанифанинг «*Ал Фикҳул акбар*» китобига шарҳ), «*Китобу радди таҳзибил жадал лил Каъбий*» (Каъбийнинг «*Таҳзибул жадал*» китобига раддия), «*Китобу раддил усули хамса ли Абу Муҳаммад Боҳилий*» (Абу Муҳаммад Боҳилий ишлатилган



бешта усул ва қоидага раддия китоб), «*Китобу раддил имома ли баъзир равофиз*» (Айрим Рофизий шиалар томонидан имомат масаласи бўйича илгари сурилган ғояларга раддия китоб), «*Китобу радди ваъидил фуссоқ*» (Фосиқлар томонидан йўл қўйилган ваъидларни рад қилишга доир ёзилган китоб).

САДРУЛ ИСЛОМ БАЗДАВИЙ (ПАЗДАВИЙ)

Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Абдулкарим ибн Мусо Абулюср Садрул ислом Баздавий фикҳ илмини Исмоил ибн Абдусодиқдан, Абдулкаримдан, Абу Мансур Мотуридийдан, шунингдек, Абу Яъқуб Юсуф Сайёрийдан олган. У усул ва фуруъ бўйича салоҳиятли олим сифатида ҳанафий мазҳаби раёсати даражасига кўтарилди. Лакнавий ёзишича, у ҳеч қандай қайду шартсиз имомлар имоми бўлиб, ўзидан кейин жилд-жилд китоблар ёзиб қолдирди. Ундан Умар Насафий, Алоуддин Самарқандий ва бошқалар фикҳ илмини ўзлаштирганлар.

Садрул ислом 493/1101 йил Бухорода ҳаётдан кўз юмган.

Шайх Абдулазиз МАНСУР,
Ўзбекистон мусулмонлари
идораси раиси ўринбосари

Пиёз мияни ёшартиради

* * *

Аделаида университети олимлари таъкидлашчи, яримтайёр, тезпишар овқатлар: гамбургер, хотдог, лаваш кабилар болаларнинг ақлий ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Тезпишар овқатларни мунтазам истеъмол қилувчи болаларда ақл ривожини беш олти йилга ортда қолади.

* * *

Дудланган гўшт ва колбасани кўп ейиш йўғон ичак шиллик қаватида ўсимта ҳосил бўлишига олиб келиши мумкин, дейди америкалик тадқиқотчилар. Олимлар қирқ ёшдан етмиш беш ёшгача бўлган олти ярим минг кўнгилилар орасида тадқиқот ўтказишди. Натижалар кўрсатишича, бу касалликка чалинганларнинг барчаси юқорида санаб ўтилган ва шунга ўхшаш маҳсулотларни доимий истеъмол қилишган. Чекиш эса бунга қўшимча бўлган.

* * *

Бостон тиббиёт маркази (АҚШ) олимлари айтишича, товуқ гўшти ва тухумини, шунингдек, дармондори В₄ (холин)га бой: денгиз балиғи, жигар, сут маҳсулотлари ва пиёз истеъмол қилиш хотирани яхшилаб, миянинг қаришини секинлаштиради.

Пиёздаги фаол бирикмаларнинг қонга тушиши миянинг хотира ва ҳиссиётларга масъул ҳужайраларни ёшартиради.

Интернет саҳифаларидан олинди.

ТУЗАТИШ

Журналимизнинг шу йилги иккинчи сони, ўн тўртинчи саҳифа, тўртинчи хатбоши, бешинчи қатордаги “Муаззиннинг азон ва қомат айтиш чоғида...” деб бошланган жумла “Муаззиннинг азон айтиш чоғида қўлларини қулоқларига қўйиши азоннинг суннатларидандир”, деб тўғрилаб ўқилсин.

Уммон султонлиги пойтахти Масқат шаҳрида амалий санъат ва ҳунармандлик усталарининг халқаро фестивали бўлиб ўтди. Юртимиздан беш нафар иштирокчи қатнашди.

Халқаро фестивал Масқат шаҳри четидоги “Омирот” боғида ўтди. Ўнлаб хорижий давлатлардан келган халқ ҳунармандлари ва санъат усталари гуруҳлари иштирок этди. Бразилия, Хитой ва Испания, Франция, Россия, Грузия, Марокаш, Тунис, Урдун, Ливан, Судан, Ҳиндистон, Ветнам, Малайзия, Индонезия ва бошқа бир қатор давлат вакиллари анжуман майдонида маҳоратларини намойиш қилди. Бу ерда болалар учун замонавий ўйин майдончалари, ям-яшил майсалар ва хурмо дарахтларидаги камалакранг чироқлар маф-

Масқатда фестивал

тункор жозиба бағишларди. Ҳар куни ярим тунгача шодиёна давом этди. Айниқса, Уммон салтанати давлатининг турли ҳудудларидан келган моҳир усталар, муаттар хушбўйлик тайёрловчи атторлар барчани ўз атрофига жалб этардилар. Замонавий техника янгиликлари ҳам намойиш этилди. Фестивал иши мамлакат ойнаи жаҳонида бутун дунёга мунтазам кўрсатиб турилди.

Иштирокчилар нафақат Масқат шаҳрига, балки Назва ва Баҳла шаҳарларига ҳам саёҳат қилишди. У ердаги қадимий ёдгорликларни, қалъаларни зиёрат қилишди. Маълумотларга кўра, бу юртнинг оққўнғил, тўғрисўз аҳолиси Солиҳ пайгамбарнинг (у зотга Аллоҳнинг саломи бўсин), саҳоба Халид ибн Валид (Аллоҳ ундан рози бўлсин) зурриётларимиз деб фахрланишаркан. Энг муҳими, уларнинг сиймоларида хотиржамлик намоён ва бағрикент инсонлар экани кўриниб туради.

У юрт кишилари Имом Бухорий, Имом Термизий ва Маҳмуд Замахшарий каби улуғ аждодларимизни яхши билишаркан. Журналистлар билан суҳбатда юртимиздаги тарихий ёдгорликлар, жумладан, биргина пойтахтимизда юз мингдан ортиқ қадимий қўлёзмалар борлигини айтдим. Айниқса, ҳазрат Усмон Мусҳафининг Тошкентда сақланиши уларда катта қизиқиш ва эҳтиром уйғотди.

Ҳабибуллоҳ СОЛИҲ